# ПАХТАЗОР — ЖАСОРАТ МАЙДОНИ


*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 213 (8203). ● 10 ноябрь, 1983 йил ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.


ОБЛАСТИМИЗ ПАХТАКОРЛАРИ БИРИНЧИ МАРРАГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛДИЛАР. ҲОЗИРГАЧА ТЎРТТА РАЙОН ҒАЛАБА РАПОРТИГА ИМЗО ЧЕКДИ. БУ РАЙОНЛАРНИНГ МЕҲНАТКАШЛАРИ ШУ КУНЛАРДА ЮКСАК СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА ПАХТА ТОПШИРМОҚДАЛАР. БУҚАЛИҚЛАР ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 10 МИНГ ТОННА, ОҚҚЎРҒОНЛИҚЛАР 4 МИНГ 200 ТОННА, ПИСКЕНТЛИҚЛАР 3 МИНГ ТОННА, КОММУНИСТИК РАЙОНИ ДЕҲҚОНЛАРИ 4 МИНГ 600 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИШ ЙЎЛИДА ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР.

ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ЗЎР УЮШҚОҚЛИК ВА МАТОНАТ КЎРСАТИБ, КЎЗЛАНГАН ХИРМОННИ ТЕЗРОҚ БУНЕД ЭТАЙЛИК.



## ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

### СЎНГГИ МИСҚОЛИГАЧА

● БЎКА. **Фрунзе номли колхоз пахтакорлари зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан уддалашди. 910 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан, жами 3646 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Турсунмат Уташев, Худойберди Алиев, Қундуз Ашурова ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари ҳосилдорликни 45—48 центнерга етказиб бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Хўжалик пахтакорлари ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида «оқ олтин»дан юксак хирмон уйиш учун даладаги ҳосилни сўнгги мисқолларигача йиғиштириб олишга қарор қилдилар.**

### ҚЎШИМЧА 1000 ТОННА

● БЕКОБОД. Райондаги йирик хўжаликлардан бири «КПСС XXV съезди» совхози миришкорлари маррага етдилар. Давлатга 8900 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерни ташкил этди. Маҳмуд Қорабоев бошлиқ 4-, Абдуғани Тошматов етакчилигидаги 5-бўлимларнинг заршунослари йиллик планларини 110—115 процентга бажариб мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда дала гвардиячилари жасорат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Махмудали Отавалиев, Абдумутал Замонов, Турсунмат Ортиқов сингари «пўлат от» соворийлари ўз агрегатлари бункеридан 110—130 тоннадан пахта тўкиб ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Совхоз заршунослари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча яна 1000 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиш мажбуриятини қабул қилишди.

### ЯНГИ МАРРА САРИ

● ЧИНОЗ. **Йиллик халқ хўжалик плани бажарилган бўлса-да, Навоий номли колхоз пахтакорлари йиғим-теримни юксак суръат билан давом эттирмоқдалар. Ҳозиргача 775 гектар майдондан 2810 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиндн. Ҳосилдорлик 36 центнерни ташкил этди. Тажрибали пахтакорлар ака-ука Ўринбой ва Абдуғаффор Акрамовлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг заршунослари ҳамон мусобақада пешқадамлик қилиб бу ғалабага катта ҳисса қўшдилар. Колхоз миришкорлари ҳосилдорликни 40 центнерга етказиб, она Ватанга яна 300 тонна пахта сотадилар.**

### БЕШ КУНЛИК ҒОЛИБИ

● ОҚҚЎРҒОН. Тошкент шаҳрининг Чилонзор районидан пахтакорларга ёрдамга борган ҳашарчиларнинг ҳиммати билан ҳар куни кўплаб қимматли хом ашё йиғиштириб олинмоқда. Областда ҳашарчилар ўртасидаги мусобақанинг сўнгги беш кунлик якунига кўра Чилонзор райони ғолиб деб топилди. Уларга область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи ва пул мукофоти топширилди.

Уларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 1470 тоннадан ошиб кетди. Чилонзорликлар бу йил район далаларидан 2000 тонна пахта йиғиб-териб бериш мажбуриятини олишди.

### «ПАРВОЗ» ДАЛАДА

● ПИСКЕНТ. **Свердлов номли колхознинг Саъдулла Эшонов бошчилигидаги «Парвоз» бадиий ҳаваскорлик коллективи аъзолари «оқ олтин» йиғим-терими бошлангандан буён пахтакорларга хизмат кўрсатишяпти. Улар ҳар куни график бўйича Свердлов номли ҳамда мусобақадош Охунбобоев номли колхознинг дала шийпонларида ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Ансамблнинг С. Йўлдошев, Г. Худойбердиева, Д. Отақўзиева, В. Каримов сингари аъзоларининг куй, қўшиқ ва рақслари барчага манзур бўлмоқда.**



● Тоғай БАРАТОВ Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхознинг илғор механик-ҳайдовчиларидан бирндир. У мавсумда ўз агрегатини юксак унум билан ишлатиб, хўжаликда пахта тайёрлаш йиллик планининг муддатидан илгари бажарилишига муносиб ҳисса қўшди.
А. Мальцев фотоси.

## МУСОБАҚАДОШЛАР

ЭРТА ТОНГ. Куз шабадаси этни жунжуктиради. Кўсакларга қўнган қироғ қуёш нурида ажиб товланади. Уфқларга туташиб кетган пахтазорда эса янги меҳнат куни бошланмоқда. Бугун кечагидан кўпроқ пахта териш ишқида енг шимариб иш бошлаган шаҳарлик ҳашарчилар, кўпмингкилограммчи теримчилар бирбиридан илдам ҳаракат қилади.

Соат 11.00. Теримчилар дастлабки килограммларни тарозидан ўтказа бошладилар.

— Бугун кечагидан олдинроқ белгиланган нормадан ошадиганга ўхшайсан,— деди Феликс Александрга терган пахтасига ишора қилиб.

— Ўзинг ҳам бўш келаётганинг йўқ, — жавоб берди Александр. — Ҳозир бунчалик кўп пахта териш осон эмас.

Бу икки дўст, мусобақадош кечгача унумли меҳнат қилишди. Александр ҳам, Феликс ҳам теримда энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

Мана, бир ойдирки Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари институтининг ходимларидан ташкил этилган бригада Ғалаба районидаги «Заря коммунизма» колхозининг Алексей Цой бошчилик қилаётган 6-бригадаси далаларида «оқ олтин» теримида пахтакорларга мададкор бўлишяпти. Уларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 10 тоннадан ошиб кетди.

Коллективнинг К. Рашидов, М. Аҳмедов, А. Ҳасанов, М. Мирсодиқов, Е. Норкин, Б. Алимов сингари ходимлари ҳар куни 60—70 килограммдан подбор териб, барчага ибрат кўрсатяпти.

— Биз бу институт ходимларидан жуда миннатдормиз, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Қозоқбой Першеев.— Улар хўжалигимиздаги ҳашарчилар ўртасидаги мусобақада ғолибликни қўлдан бермай келишяпти.

Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатига амалий иш билан жавоб бераётган институт ходимлари ўлкамизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшиш учун даладаги ҳосилнинг сўнгги мисқоллари йиғиб-териб олинмагунча заршуносларга елкадош бўлишга аҳд қилдилар.

Ҳ. ПЎЛАТОВ.

## ОТАСИДЕК МИРИШКОР

ТЎЛҚИН ака одати бўйича бугун ҳам пахта карталарини айланиб юрибди. У ҳар куни эртанги терим учун жойни аввалдан белгилайди. Шу билан биргаликда эса йиғим-терим ишлари авж олган далаларда «оқ олтин»нинг тўкилиб, ифлосланишига, сорти бузилишига, қолаверса, унинг нобуд бўлишига йўл қўйилмаётганлигини назорат қилади.

Бу йилги об-ҳаво шароити барча деҳқонлар қатори Тўлқин ака бошлиқ бригада аъзолари олдига ҳам бир қатор қийинчиликларни кўндаланг қўйди. Мавжуд 100 гектар майдонга эрта баҳорда қадалган чигит сув бериб, ундириб олинди. Шундан кейинги серёғин кунлар эса ёш ниҳолларни бегона ўтлар босиши, илдиз чириш касаллиги пайдо бўлишига олиб келди. Бу ҳол бригада аъзоларини ташвишга солди. Бироқ улар саросимага тушмадилар. Бутун куч ғўза парваришига қаратилди. Табиат инжиқликларига қарши мардонавор курашилди. Бригада аъзолари ҳар гектар ер ҳисобига 20 тоннадан маҳаллий, шунингдек, етарлича минерал ўғитлар бериб, культивация ишларини сифатли ўтказдилар. Ғўзаларга одатдагидан кўпроқ, яъни учқўқиз марта комплекс ишлов берилди. Натижа чакки бўлмади. Бригада далаларидаги пахта бироз кечки бўлиб қолганлигига қарамай, далаларда юксак мажбурият — 40 центнердан пахта олишга етарли даражада ҳосил тўпланди.

...Далаларни айланиб юрар экан, бригадир бундай машаққатли йўллардан қандай ўтиб келаётганлигини, у қийин пайтларда тўғри хулосага келиб, бригада аъзоларини энг оғир дамларда ҳам тўғри йўналтира олаётганини шу топда беихтиёр тасаввур ҳам қила олмасди. Балки буларнинг ҳаммаси унга пахтачилик илмини ўргатган, тўғри йўлни кўрсатган кишилар ўгитларининг самарасидир! Ана шулар шарофати туфайли у тўғри йўлдан келаётгандир!

Ҳа, шундай. Буларнинг ҳаммаси учун у биринчи навбатда марҳум отасидан миннатдор.

Бригадир кўз ўнгида беихтиёр отасининг сиймоси гавдаланди. Собиқ хўжалик раҳбари, уста пахтакор Мухиддинхўжа Мўминхўжаевдан Тўлқин ака яратувчилик илмини ўрганди, десак хато бўлмайди. Унинг «...Ўғлим ерга меҳр қўйган, унинг ҳар бир қаричининг қадрига етиб, ардоқлаган киши кам бўлмайди. Пахтакорлик бизга ота касб, сен меросхўримизсан», деган сўзлари ҳозир ҳам қулоқлари остида жаранглагандек бўлди...

1959 йил эди ўшанда. Ота маслаҳатига кирган ёш Тўлқин механизаторлар тайёрлаш курсига ўқишга кирди. Уни битиргандан сўнг шу хўжаликда ишлай бошлади. Ўзининг меҳнатсеварлиги, топширилган ҳар қандай вазифани муддатидан илгари, кўнгилдагидек бажарди. Давлатга 8900 тонна «оқ олтин» сотилди. Ҳосилдорлик гектар бошига 31 центнерни ташкил этди. Маҳмуд Қорабоев бошлиқ 4-, Абдуғани Тошматов етакчилигидаги 5-бўлимларнинг заршунослари йиллик планларини 110—115 процентга бажариб мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда дала гвардиячилари жасорат кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Махмудали Отавалиев, Абдумутал Замонов, Турсунмат Ортиқов сингари «пўлат от» соворийлари ўз агрегатлари бункеридан 110—130 тоннадан пахта тўкиб ғалабага муносиб улуш қўшдилар. Совхоз заршунослари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча яна 1000 тонна «оқ олтин» йиғиб-териб олиш мажбуриятини қабул қилишди.

Тўлқин ака пахта тераётган коллектив аъзолари олдига келди. Ҳозиргина улар теримни тугатган картада айрим қаторлардаги пахталар тоза терилмаганлигини айтди. Зудлик билан бир неча кишини ўша жойга юборди...

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг илғор бригада бошлиғи Тўлқин Муҳиддиновнинг отаси айтган гаплар ҳеч ёдидан чиқмайди. Ота ҳақ экан. Бунга ҳозир Тўлқин ака тўла ишонч ҳосил қилмоқда. Мана шу ер орқали, пахта орқали унинг барча орзу-истаклари ушалмоқда. Эл ичида иззат-икром топмоқда.

Қ. КАРИМОВ.

## ЛАВҲА

ришга одатланган Тўлқин Муҳиддинов тез орада кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. У механизатор бўлиб ишлаши давомида жамоат ишларида ҳам актив қатнашиб, ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён қилди. Ўн беш йил меҳнатда, тажрибада чиниққан механизатор йигитга пахтачилик бригадасини ишониб топширишди. Аввалларн ҳар гектар ердан 20—23 центнердан ҳосил олиниб келинаётган бу бригада коллективига у шахсий намуна кўрсатди. Трактор рулига ўтириб, ўзи ер ҳайдади, культивация ишларида қатнашди. Фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни ишга солди. Кекса пахтакорлар маслаҳатига, ўзининг кўп йиллик тажрибасига асосан иш тутиб, ҳосилдорликни дастлабки йилларданоқ 35—36 центнерданга етказишга эришди.

Тўлқин Муҳиддиновнинг мазкур бригадага раҳбарлик қилаётганига энди иккинчи йил бўляпти. Пахта ҳосилдорлиги ниҳоятда кам бўлган бу далалардан ўтган йили 36 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бригада аъзоларининг даромадлари ҳам яхши бўлди.

Йиғим-терим қизғин тус олган пайтларда механизаторлар Сериқбой Бойматқулов ва Ғайрат Ҳасановлар айниқса жонбозлик кўрсатишди. Қўл теримига алоҳида эътибор берилган. Ҳозир коллективнинг 60 га яқин аъзоси белига этак тутган. Уларнинг кучи билан кунига хирмонга уч тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкилмоқда. Ойгул Яхшилиқова, Ўлмас Бегимова, Шарифа Омонова, Муқаддас Анорова ва Ҳафиза Зокирова сингари чеварларнинг ҳар бири ҳозиргача беш тонналик хирмон уйишди. Улар мавсумда 7—10 тоннадан пахта теришмоқчи.

Бригадада йиғим-терим ишлари ипатоволиклар усулида ташкил этилган. Мавсум бошидан буён коллектив аъзолари хўжаликда пешқадамлар сафида боришяпти. Улар бир неча бор бригадалараро ўтказилаётган социалистик мусобақанинг ғолиби бўлишди. Шу кеча-кундузда ҳам бригада далаларидан йиллик планнинг 1—1,5 процентн миқдорида пахта тайёрланаяпти. Республикамиз партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатидан руҳланган коллектив аъзолари бутун «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолигача йиғиштириб олиш учун курашишмоқда.

Тўлқин ака пахта терими тугатган картада айрим қаторлардаги пахталар тоза терилмаганлигини айтди. Зудлик билан бир неча кишини ўша жойга юборди...

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг илғор бригада бошлиғи Тўлқин Муҳиддиновнинг отаси айтган гаплар ҳеч ёдидан чиқмайди. Ота ҳақ экан. Бунга ҳозир Тўлқин ака тўла ишонч ҳосил қилмоқда. Мана шу ер орқали, пахта орқали унинг барча орзу-истаклари ушалмоқда. Эл ичида иззат-икром топмоқда.

Қ. КАРИМОВ.

## ОҚ ОЛТИН — ВАТАНГА

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 9 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Коммунистик | 0,24 | 106,48 | — | 110,19 |
| Бўка | 0,31 | 106,41 | — | 106,52 |
| Оққўрғон | 0,52 | 101,02 | 0,45 | 102,19 |
| Пискент | 0,41 | 100,42 | 0,06 | 69,68 |
| Бекобод | 0,81 | 98,65 | 0,39 | 68,64 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,65 | 98,00 | 0,21 | 83,91 |
| Чиноз | 0,96 | 93,33 | 1,12 | 68,63 |
| Ғалаба | 0,36 | 88,00 | 0,06 | 68,23 |
| Янгийўл | 1,11 | 82,73 | 1,67 | 58,63 |
| Область бўйича: | 0,56 | 97,68 | 0,33 | 82,66 |

### ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

## ЯНГИ СОВХОЗНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМЛАРИ

**СОВХОЗИМИЗ асаларичиликка ихтисослашган бўлиб, 1982 йилда ташкил этилган. Хўжалигимизга яроқсиз ерлар ҳисобидан 866 гектар майдон биркитилган эди. Биз бу ерларни йил сайин ўзлаштириб, асаларилар шира йиғадиган беда, рапс сингари экинлар майдонларини кенгайтириб боришимиз керак. Ўша йилнинг ўзидаёқ 15 гектар янги ер ўзлаштирилди.**

**СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган совхозимиз ишчилари ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб яхши натижаларга эришмоқдалар. Биз давлатга асал топшириш планини муддатидан илгари бажардик. Эл дастурхонига пландаги 45,2 тонна ўрнига салкам 46 тонна маҳсулот етказиб бердик. Ҳар бир асалари қутисидан ўртача 19,7 килограммдан асал олинди.**

**Айниқса, С. В. Рижков, М. Каримов, С. А. Шельяков, Х. Ямалдинов, Ф. Ражаметов сингари ўртоқлар юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар асал тайёрлаш планларини муддатидан илгари адо этдилар ва ҳар бир қутидан ўртача 20—22 килограммдан маҳсулот топширдилар.**

**Хўжалигимизда маккажўхори дони етиштириш, силос бостириш, беда пичани жамғариш планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Жумладан, 21 тонна «қаҳрабо дон» ҳосили олдик, 30 тоннадан ортиқ силос бостирилди, 56 тонна беда пичани тайёрланди.**

**Ердамчи чорвачилик хўжалигимиз ҳам бор. Бу «кичик ферма»мизда 12 та мол боқилмоқда. Йил охирига қадар бузоқ олиш ҳисобига қорамолларнинг умумий сонини анча кўпайтирамиз.**

**Шунингдек, 4 гектар майдонда токзор барпо этдик. Чирчиқ дарёси этакларидан 20 гектар ерни ўзлаштириш ишлари яқин кунларда тугалланади.**

**Х. ҲОЛИҚОВ,**
Оржоникидзе районидаги «Бўстонлиқ» асаларичилик совхози директори.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### 114-ЭСКИ ТОШКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИДА ЎРНИ БЎШАБ ҚОЛГАН ДЕПУТАТ ЎРНИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Тошкент область 114-Эски Тошкент сайлов округида ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов 1983 йил 11 декабрь — якшанба кунига белгилансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумн Раисининг ўринбосари**

**Г. ОРЛОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми секретари**

**Г. ҲАЙДАРОВА.**

**1983 йил 9 ноябрь.**
**Тошкент шаҳри**

## СЎНГГИ СОАТДА

● БЕРЛИН. Магдебург шаҳрида кино ва телевидение ходимларининг Карл Маркс — унинг образи, унинг ғоялари, унинг революцион таълимоти деган шиор остида халқаро семинари ўтмоқда. Семинарни ГДР Кинематографичилари союзи Болгария, Венгрия, Вьетнам, Куба, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия кино арбоблари ташкилотлари билан биргаликда ўтказмоқда.

Семинар чоғида марксизм-ленинизм ғояларини янада тўлароқ бадиий акс эттириш ишида социалистик мамлакатлар кино ва телевидение ходимларининг вазифалари муҳокама қилинади, илмий коммунизм асосчисининг ҳаёти ва фаолиятига, революцион ҳаракатни ривожлантиришда, қардош мамлакатларда коммунистик ва социалистик жамиятни муваффақиятли қуришда унинг ролига бағишланган кўпдан-кўп кинолесталар кўрсатилади.

Семинар «Ҳайкал» фильмини кўрсатиш билан очилди. Бу фильм В. И. Ленин 1919 йил Москвада Карл Маркс ҳайкалини очганлиги тўғрисида ҳикоя қилади.

● ВАРШАВА. Польшанинг Бельско-Бяла шаҳридаги «Бефама» заводи тўқимачилик саноатига аталган сеpунум машиналар навбатдаги тўпини Совет Иттифоқига жўнатишга тайёрлади. Бу йил корхона коллективи СССРдаги буюртмачилар учун 100 та ҳар хил машина тайёрлаб беради. Булар орасида мазкур бўлган «ЦР-300» тараш агрегатлари кўпроқ.

«Бефама» заводи ўтган 30 йил ичида СССРга 3 мингтадан кўп йигириш ва тараш агрегатларини экспорт қилди. Шу корхонанинг маркаси қўйилган машиналар Совет Иттифоқининг турли шаҳарларидаги 26 фабрикада ишлаб турибди.

● ПРАГА. Чехословакия пойтахтида пластик ҳирургия клиникаси очилди. У микрохирургия соҳасидаги мутахассис врачлар тайёрлайдиган, шунингдек қуйишни даволаш катта тадқиқот программаси амалга ошириладиган мамлакатда энг катта база, социалистик мамлакатларда пластик хирургия соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларнинг координацион маркази бўлиб қолади.

● ҚУВАЙТ. Бу ерда олинган хабарларга кўра Катар пойтахти — Дохада Форс кўрфазидаги араб давлатлари ҳамкорлиги кенгашига кирувчи давлатлар бошлиқларининг кенгаши очилган. Кенгашда Қувайт, Саудия Арабистони, Бахрайн, Катар, Бирлашган Араб амирликларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Кенгаш қатнашчилари Яқин Шарқдаги аҳволни, жумладан Ливанда Исроил агрессиясининг давом этаётганлиги ва шу араб мамлакатининг ички ишларига АҚШнинг қуролли аралашуви натижасида кескинлашган вазиятни муҳокама қиладилар. Региондаги давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳалардаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилади.

● НЬЮ-ЙОРК. Вашингтондаги расмий доиралар мустақил ривожланиш ва тараққий этиш ажралмас ҳуқуқини ҳимоя этаётган халқларнинг ашаддий душмани эканлигини яна бир бор фош қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида халқларнинг тараққиёт йўлидаги барча ғовларни, айниқса, мустамлакачилик, ирқчилик, апартеид, ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий интервенцияни тугатиш зарурлиги тўғрисида катта кўпчилик овоз билан қабул қилинган резолюцияга АҚШ делегациясининг ёлғиз ўзи қарши овоз берди. Лойиҳасини ривожланаётган ва социалистик мамлакатлар группаси киритган резолюция ҳар бир давлат ўз иқтисодий ва социал системасини четдан ҳеч бир аралашувсиз ўзи танлаб олиш суверен ва ажралмас ҳуқуқини таъкидлади.

Овоз беришда АҚШ яна яккаланиб қолди. Ҳатто НАТО блокидаги унинг энг яқин иттифоқчилари ҳам Вашингтоннинг ғаразгўйлик позициясига қўшилишга журъат эта олмадилар.

● КОТОНУ. Бенин Халқ Республикасининг президенти Матье Кереку Гренада ишларига империалистларнинг аралашуви дарҳол тўхтатилсин, деб талаб қилди. Мамлакатимиз, деди у, бу ерда давлатларни бекарор қилишга қаратилган қуролли агрессияни ва ҳар қандай ҳаракатларни қатъийян қоралайди. Бенин Гренада мустақиллиги ва суверенитети тикланишини талаб қилади, деб таъкидлади президент.

(ТАСС, 9 ноябрь).

СЎНГГИ СОАТДА

# СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ ЧЎҚҚИЛАРИ

**СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР давлат мукофоти комитетининг илмий секретари, техника фанлари доктори профессор В. Н. ЧЕТВЕРИКОВ билан суҳбат**

Бугунги кунда қудратли бунёдкор куч бўлиб қолган совет фани ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашга фан-техника революцияси ютуқларини социалистик тузум афзалликлари билан узвий боғлашга кўмак берувчи ёрқин фундаментал тадқиқотлар, амалий характердаги изланишлардан иборатдир. Шу билан бирга мамлакатимизни иқтисодий ва маданий ривожлантиришнинг катта кўламли вазифалари олимларга тобора юксак талаблар қўймоқда. Ижодий самарадорликни ошириш, тадқиқот натижаларини халқ хўжалигига кенг қўламда жорий этишда актив қатнашиш, куч-ғайратни экономика, идеология, маданиятнинг муҳим эҳтиёжларини ҳал этишга қаратиш шулар жумласидандир.

Фан ва техника соҳасида 1983 йилги Давлат мукофотларига даъвогар бўла оладиган ишлар учун КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорларидан келиб чиқувчи айни шундай талаблар мезон қилиб олинганди. Партия ва ҳукуматнинг қарорида шуларнинг энг яхшиларига мазкур юксак мукофотлар берилди.

Лауреатлар рўйхатининг бошида физика-математика фанларининг вакиллари турибди. Булар орасида параметрик ёйилиш деб аталувчи принципиал янги тур нур ёйилишини назарий олдиндан айтган ва буни эксперимент тасдиқлаб берган тадқиқотчилар коллективи бор. Авторлар оригинал квант фотометрларни яратганлар, шундай типда нур ёйилиш спектроскопиясини ишлаб чиққанлар. Бу иш физик оптикага қўшилган муҳим фундаментал ҳисса деб топилди.

Ўрганиш қийин, лекин дифракция ҳодисаси назарияси учун ғоятда муҳим юксак энергияли протонларни илк бор чуқур тадқиқ этган физиклар коллективи мукофотга сазовор бўлди. Дунёнинг энг катта тезлатгичларида (СССРда ва чет элларда) экспериментлар ўтказиш чоғида олинган натижалар кучли ўзаро таъсир ва элементлар зарралар назариясини ривожлантиришда принципиал муҳимдир.

Уйғотилувчи гипертовуш тўлқинлар билан нур майдонларининг ўзаро таъсирини чуқур экспериментал ва назарий ўрганиб чиққан олимлар коллективи ҳам физика фанини салмоқли ютуқлар билан бойитди. Бу иш лазер нурланиши билан модданинг ўзаро таъсири тўғрисидаги тасаввурни анча чуқурлаштиришга кўмак берди. Авторларнинг алоҳида хизматлари шуки, улар юксак энергияли лазерларнинг мўлжал олдириш ёйилишини яхшилаш проблемасини боши берк кўчадан чиқардилар. Олинган натижалар жаҳонда шу соҳадаги илмий-техникавий даражани белгилаб беради.

Тўлқин жараёнларини, жумладан газ-суюқлик системаларидаги зарб тўлқинларини назарий ва экспериментал тадқиқ этган ва мамлакатнинг турли шаҳарларида яшовчи бир неча олимлар коллективларининг мукофот билан тақдирланган ҳамкорлиги натижалари фундаментал тадқиқотлар катта амалий самарасига мисол бўлиб хизмат қила олади. Улар биринчи бўлиб газ-суюқлик ва буғ-суюқлик муҳитлари оқимларининг математик асосларини ифодалаб бердилар, шундай оқимларнинг математик моделларини яратдилар. Авторлар бу ишни тадбиқий қўлланиш даражасигача етказдилар — атом электр станциялари ва қувур системаларида нефть, газ, криоген суюқликни ҳайдашдаги хавфсизликнинг теплофизик асослари яратилди, зарб тўлқинларини сўндириш самарали методлари ишлаб чиқилди.

Мукофотга сазовор бўлган тадқиқотлар туркумининг даражаси баланд. Шу тадқиқотлар чоғида статистик механиканинг бир қанча математик методлари ишлаб чиқилди. Бу методлар кенг қўламда қўлланди, амалий математик физиканинг мураккаб масалаларини ҳал этишга имкон берди.

Ҳозирги замон биология фани модда алмашинув механизми, ҳаётий муҳим молекулаларнинг, биологик мембраналарнинг тузилиши, ирсият ҳоссалари ва организмларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида информация кўпайиб кетганлиги билан характерланади. Бу фан ҳаётнинг ўзи нималигини белгиловчи жараёнларга тобора чуқурроқ кириб бориб, уни атом ва молекула даражасида талқин этиб бермоқда. Биология фанининг бир қанча йўналишларида олиб борилган катта-катта ва амалий соҳаларни анча бойитга оладиган тадқиқотлар давлатнинг юксак мукофоти билан тақдирланди.

Ҳайвонларнинг «сакровчи» генлар деб аталмиш янги классдаги генетик элементларни топиш ва уларни ўрганиш шулар жумласидандир. Бундай генларнинг ҳайвонлардаги бошқа генларни кучайтирувчилик таъсири топилдики, бу нарса медицина ва қишлоқ хўжалигининг амалий вазифаларини ҳал этишда муҳим омил бўлиб қолиши мумкин.

Мутахассислар нерв импульсларини ҳосил қилувчи нерв ҳужайралари таначаси кўзғалувчанлигининг ион механизмини очиб берган ишларни марказий нерв системаси физиологиясига қўшилган катта ҳисса деб топдилар. Бу иш ҳужайра физиологиясининг муҳим проблемаларини ҳал этиш учун янги имкониятлар очиб беради.

Биологик мембраналарда липидлар оксидланиш нозик жараёнларини тадқиқ этган авторлар коллективи янги бир йўналишни вужудга келтирди. Тирик ҳужайраларда, турли патологик ўзгаришлардаги мембрана фаолияти бузилишларининг ўсишида бўладиган шу органик бирикмалар оксидланиш маҳсулларининг роли исбот этилди.

Ҳозирги вақтда медицина генетикаси интенсив ривожланиш даврида турибди. Унинг замонавий ютуқлари, аввало, ирсий касалликлар диагностикаси, уни даволаш ва олдини олиш билан боғланган. Маълумки, ирсий касалликлар ирсиятнинг моддий ташувчиси бўлмиш хромосом ўзгаришларидан вужудга келади. Совет тадқиқотчиларининг бу соҳада биринчилиги ҳамда хромосомни тадқиқ этишга оригинал йўл билан ёндошганликлари бутун дунёда эътироф этилган. Шу йўналишда фундаментал тадқиқотлар олиб борган ва бу тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш практикасига киришга кўмак берган коллектив юксак мукофот олди.

Мукофотланганлар рўйхати ёнида медик олимлар қилган бошқа иш номини кўрамиз. Улар амилоидоз проблемасига кўп йиллар мобайнида эътибор берганлар. Оқсил модда алмашувининг кенг тарқалган ва даволаш қийин бузилиши шу ном билан аталади. Авторлар шу оғир хасталик табиати ва тарқалиш механизмига чуқур кириб боришлари натижасида уни диагноз қилиш, даволаш методларини ишлаб чиқдилар ва бу методлар амалда қўлланила бошлади.

Шу йилги давлат мукофотига сазовор бўлган илмий ишлар орасида Сибирнинг магматик ва эндоген руда формацияларн тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқишга замин бўлган кўп йиллик изланишлар; термоядро плазмасини қиздирадиган кучли лазер-ғоят юксак частотали тебранишлар генераторини яратишга имкон берган катта иш ҳам бор.

Гуманитар фанлар намояндаларининг мукофот билан тақдирланган ишлари орасида бир-бири билан мантиқан боғланган «Марксизм фалсафасининг шаклланиши», «Ёш Маркс» ҳамда «К. Маркс назарияси ва методологиясида системавийлик принциплари» деган монографиялар бор.

Бу монографиялар Марксча фалсафа вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини, Марксча диалектик методнинг шаклланиш қонуниятларини, билиш назарияси принципларини атрофлича тадқиқ этиш натижасидир. Авторларнинг коммунистик бунёдкорлик замонавий вазифаларига таалluқли ҳулосалари назарий ва амалий жиҳатдан муҳимдир.

Қадимги рус маданияти тарихида катта ҳодиса сифатида қадимги рус монументал ҳайкалтарошлигини тадқиқ этишга бағишланган кўп йиллик катта ишни ҳам айтиб ўтишни хоҳлайман. Автор мураккаблиги жиҳатидан ноёб бир иш қилган — Владимир, Суздаль, Юрьев-Польскийдаги бош черковларини безаб турган қадимги рус ҳайкалтарошлик композицияларини илмий реконструкция қилиб, талқин этиб берган.

Техника принципиал янги намуналарининг, илғор технологияларининг ижодкорлари, катта-катта фойдали қазилма конларининг разведкачилари давлат мукофотларининг лауреатлари рўйхатга киритилган. Уларнинг кўплари таклиф этган техник ечимлар энергия, ёқилғи-энергетика ресурслари, материал ва хом ашёни кўплаб тежайди, ишлаб чиқариш жараёнларини интенсивлашга, саноат маҳсулотлари сифатини оширишга кўмак беради.

Мукофот билан тақдирланган илғор ғояларнинг амалга оширилиши шундай ишларга мисол бўлиб хизмат қила олади. Бунинг натижасида таркибида хроми бўлган ғоят сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган катта бир корхона яратилди. Шу иш чоғида вужудга келтирилган бир қанча ихтиролар чет элларга лицензия асосида сотилди.

Шу муносабат билан денгиз флоти министрлиги кўламида ёқилғи-энергетика ресурслари резервларини қидирган бир группа олимлар ва мутахассисларни айтиб ўтиш мумкин.

Электр ва энергия машинасозлигини ривожлантиришда муҳим техникавий проблемани ҳал этган мутахассислар катта коллективининг мукофот билан тақдирланган куч-ғайрати чуқур илмий, конструкторлик ва технологик ечимлари катта амалий самарасига мисол бўлиб хизмат қилади. Улар мис ва мис қотишмаларидан ҳовол прокат профилларини ясаш технологиясини яратдилар ва буларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Натижада бундай профиллар ток ўтказгичларининг ортиқча қизиб кетишига муваффақиятли қарши курашишга имкон берди. Бу нарса кучли турбогенераторлар ва гидрогенераторлар, МГД — генераторлар, металлургия печлари ва бошқа машина ҳамда агрегатлар яратиш йўлидаги ғовларни олиб ташлади.

Мураккаб деталларга ғоят аниқ ишлов берадиган программа билан бошқариладиган станокларни яратиш ва практикага жорий этиш; Ўрта Осиёда энг катта газ конденсат конини очиш ва уни разведка қилиш оригинал методлари; нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва автоматлаштиришга имкон берган иш; ҳозир кўмир саноати ва кончилик саноатида муваффақият билан ишлатилаётган ғоят тежамли темпонаж усули; қудуқларни қияма пармалашда ишлатиладиган ғоят унумли принципиал янги парма установкасини яратганлик Давлат мукофоти билан тақдирланди. Азов денгизи экологик системасининг тақлидий модели ҳамда самолётлар ва вертолётлар техник синов натижаларини автомат тарзда ишлаб чиқиш системаси; Ғарбий Сибирнинг нефть ва газли районларида темир йўлни жадал қуриш ҳамда денгиз флотини юксак самарали радио аппаратлар билан қайта ускуналаш ишлари ва новаторлар коллективи куч-ғайратининг бошқа натижалари халқ хўжалигида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш кўламлари ўсишининг таъсирли манзарасини ташкил қилади.

Агросаноат комплекси тармоқларида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бугунги кунниг актуал вазифаларидан биридир. Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитети мукофотларни муҳокама қилган чоғда ишларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш талабларига нечоғлик мувофиқ келишига алоҳида эътибор берди.

Дон тозалаш агрегатлари ҳамда дон тозалаш-қуритиш комплекслари технологиясини такомиллаштиришга, ишлаб чиқиб практикага жорий этган авторлар коллективи ана шу нуқтаи назардан мукофотларга муносиб коллективларнинг бири бўлди. Бу агрегат ва комплекслар меҳнат унумдорлигини 7—10 баравар оширишга, каттагина иқтисодий самарага эришишга имкон беради.

Катта-катта майдонлардаги тупроқ намлигини олисдан аниқлаш методларини таклиф этган олимлар ва конструкторлар группаси ҳам муваффақиятга эришди. Яқин вақтларгача хўжаликларда ердаги тарқоқ ўлчашлар ёрдамида бажарилиб келган бу ишга ғоят сермеҳнат эди. Янги методнинг авторлари тупроқ намлигини ўлчайдиган приборларни, самолётларнинг бортига ўрнатишни таклиф қилдилар. Улар приборнинг ўзини ҳам янги принципда ясадилар. Янгилик РСФСР ва бошқа республикаларнинг территориясида текширишдан яхши ўтди.

Қуввати оширилган газ турбинали тежамли комбайн ва трактор моторларини яратган ва уларни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга солишда қатнашган кишилар, Ўрта Осиёнинг чўл районларида сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалик қурилиши индустриал методларнинг авторлари ҳам фахрий унвонларга сазовор бўлдилар.

Олий мактаблар, ўрта мактаб ҳамда партия ўқиши ва иқтисодий таълим системаси учун дарсликларнинг авторлари лауреат бўлдилар.

Бу йилги давлат мукофотлари лауреатларининг ишлари совет олимлари ва мутахассислари илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг энг мураккаб, катта кўламдаги вазифаларини ҳам уддалай олишларидан далолат беради. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш халқ хўжалиги кўпгина тармоқлари, фан-техника тараққиётининг янгидан-янги чўққилари сари олға бориш ишига ёрдам беради.

(ТАСС).

## ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

### ИЖОДИЙ АКТИВЛИК РИВОЖЛАНТИРИЛСИН

● ПРАГА. Ихтирочилар, рационализаторлар, комплекс бригадалар вакиллари активининг бу ерда бўлиб ўтган кенгашида меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. ЧССР ҳукумати раисининг ўринбосари Я. Обзина кенгашда нутқ сўзлаб ишлаб чиқариш самарадорлигини ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда ихтирочилар, рационализаторлар ва комплекс бригадалар вакиллари муҳим роль ўйнаётганлигини таъкидлади. Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида 14 мингтадан кўп ихтиро қилинди ва қарийб 660 мингта рационализаторлик таклифи билдирилди. Булардан 19 миллион кронадиклан кўп иқтисодий самара олинди. Тахминан 180 минг кишини бирлаштирган 19 мингтадан кўп комплекс рационализаторлар бригадаси ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

### ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК

● ХАНОЙ. «Хоабинь» гидроузели ва «Фалай» иссиқлик электр станцияси, Куангнинь кўмир ҳавзаси разрезлари ва шахталари ҳамда чой плантациялари, Хайфон портининг замонавий причаллари ва бутун мамлакатни қамраб олган қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва уни бошқариш станцияларининг тармоғи — советлар мамлакатининг ёрдами ва техникавий кўмаги билан бунёд этилаётган ВСР халқ хўжалигининг баъзи бир объектлари ҳалос.

СССРнинг кўмаги билан Вьетнамда икки юзтадан кўп корхона, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, йирик даволаш муассасалари қурилган. Икки мамлакат ўртасида тузилган дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома Совет-Вьетнам иқтисодий алоқаларига янги омил бахш этди. Шу кунларда ана шу шартнома имзоланганлигининг 5 йиллиги нишонланмоқда.

Вьетнам халқида «ҳақиқий дўстинг бўлганда ҳар қандай қийинчиликлар ҳам осон туюлади» деган мақол бор. Ҳаёт бу мақолнинг ҳаққонийлигини тасдиқламоқда. Вьетнам халқи Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар билан бирга ўз Ватанининг қадимий диёрида социализм қуриш вазифасини муваффақиятли ҳал этмоқда.

### КЎПРИКЛАР ҚУРИЛМОҚДА

● ВЬЕНТЬЯН. ТАСС мухбири Дмитрий Голубев хабар қилади: қурувчиларнинг катта бир отряди ва замонавий қудратли техника Саваннакет вилоятидаги Лаос дарёлари соҳилига келди. Бу ерда Лаос билан қардош Вьетнамнинг денгиз соҳиллари ўртасидаги узлуксиз юк ташишни йўлга қўйишга имкон берадиган 9-миллий йўлда республикада иккита янги катта темир-бетон кўприк қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Қурувчилардан олдин геодезистлар ва лойиҳаловчилар бу ерда қизғин меҳнат қилган эдилар. Улар ёмғир мавсумининг мураккаб шароитларида ўз вазифаларини белгиланган муддатидан илгари бажардилар.

(ТАСС).

### Дунё шаҳарлари ва пойтахтларида

ПРАГА. ЧССР пойтахтида Москва политехника музейи фондларидан виставка очилди. Виставка — мамлакатда ўтаётган Чехословакия-Совет дўстлиги ойлигининг энг қизиқарли тадбирларидан биридир.

Москваликлар Прагага ҳақиқатдан ноёб экспонатларни келтирдилар: қадимги соат механизмлари, микроскоплар, ўтган асрнинг ўлчов приборлари, ҳатто механик ҳисоб машиналари кўрсатилмоқда. Урал бадиий металл қуйиш усталарининг буюмлари, фақат ёғоч деталлардан йиғилган чўнтак соати, биринчи совет фотоаппарати ҳамда А. С. Поповнинг дунёда биринчи радиоприёмчиги нусхаси кўпдан-кўп томошабинларнинг зўр қизиқишларига сазовор бўлмоқда.

РИМ. Италиянинг Потенца шаҳридан 46 яшар ишсиз Никола Лагвардия тирикчилик қилиш учун маблағ йўқлигидан ўзини-ўзи нобуд қилди. Бундан уч ой аввал «Монтэдисон Эльсон» заводининг маъмурияти корхона ёпилганлигини эълон қилди. Шундай қилиб, юзлаб киши ишсиз қолди. Шулар орасида Н. Лагвардия ҳам бор эди.

Ишчининг ўлими тўғрисидаги хабар шаҳар меҳнаткашларини даргазаб қилди. Завод ва фабрикаларда митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларнинг қатнашчилари корхона эгаларининг хатти-ҳаракатларига қарши норозилик билдирдилар. Касаба союзларнинг даъватига кўра «Монтэдисон Эльсон» меҳнаткашлари станокларни тўхтатиб, 24 соатлик норозилик забастовкаси ўтказдилар.

ОТТАВА. Канаданинг яна бир шаҳри ўз территориясини ядросиз зона деб эълон қилди. Онтарио вилоятининг жанубидаги Уэлленд шаҳар совети шаҳарда ядро қуроли ишлаб чиқариш, уни синаш, сақлаш, ташишни тақиқловчи резолюцияни маъқуллади. Неагара райони урушга қарши ташкилотларининг коалицияси шу қарорнинг ташаббускори бўлди. Шаҳар советининг резолюцияси Канада бош министри П. Трюдога юборилди.

НЬЮ-ЙОРК. ...Одамсиз уйлар, ҳувиллаган кўчалар, магазинларнинг пештахталарида туширилган пардалар. Ҳаммаёқ гўё бўм-бўшдек. «Нью-Йорк таймс» газетаси нинг мухбири Миссурий штатидаги чоғроқ бир Таймс-Бич шаҳарчасини шундай деб тавсифлайди. «Бугунги кунда у арвоҳ шаҳардир», — деб таъкидлайди мухбир.

Шу йилнинг бошларида ана шу аҳоли пунктининг тупроғидан ғоят заҳарли диоксин моддаси топилганди, чунончи унинг концентрацияси йўл қўйиш мумкин бўлган жамики хавфсизлик нормаларидан кўп марта ошади, деб эслатади газета. Аҳоли ўртасида турли касалликлар, асосий ички органларнинг касалликлари бошланганди. Атроф муҳитни ваҳшиёна булғаш айби тамомила маҳаллий маъмурлар ва саноат компаниялари зиммасида ётарди. Вашингтон кучайиб бораётган жанжални тезроқ бостириш мақсадида аҳолидан Таймс-Бични 33 миллион долларга «сотиб олажагини» эълон қилди. Аммо бу программани амалга ошириш бундан 8 ой илгари қандай бўлса, ўшандайлигича ётибди.

(ТАСС, 9 ноябрь).



● БУТУН Никарагуада тинчлик учун курашга бағишланган митинглар бўлиб ўтяпти. Ишчилар, деҳқонлар, студентлар Вашингтоннинг ҳарбий мажароларни кучайтириш, миллий-озодлик ҳаракатини бостириш сиёсатини қатъий қораламоқдалар. Суратда: Манагуада бўлиб ўтган митинг пайтида.

Г. Надеждин фотоси. ТАСС махсус мухбири.

# КОММУНИСТИК БУНЁДКОРЛИК КАХРАМОНЛИГИДАН ИЛҲОМЛАНИБ

**СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва Давлат мукофоти комитетининг раиси Г. М. МАРҚОВ билан суҳбат**

Советлар мамлакатининг Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашган бадиий зиёлилари меҳнаткашлар маънавий ҳаётини бойитишга, уларни коммунистик идеаллар руҳида тарбиялашга муҳим ҳисса қўшмоқда. СССР Давлат мукофоти янги лауреатларининг асарлари адабиёт ва санъат ҳаётга актив аралашаётганлигидан далолат беради.

Ч. Айтматов «Бўрон разъезди» («Асрдан ҳам узун кун») романи учун адабиёт соҳасида ана шу мукофотга сазовор бўлди. Асарнинг бош қаҳрамони — чуқур халқчил характер эгасидир. Оддий ишчи бўлган мана шу киши тақдирида даврнинг энг муҳим проблемалари бадиий ижод орқали акс эттирилган. Роман мураккаб ахлоқий масалаларнинг чуқур ва кенг кўламда қўйилганлиги, бадиий стилистиканинг бой ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Ю. Бондаревнинг «Танлаш» романида жиддий ахлоқий проблемалар ҳескин конфликт тасвирида акс эттирилган. Ҳаётий позицияни танлашда ҳақиқатни сохта-корликдан ажратиш қанчалик муҳим эканлиги тўғрисидаги фикр асарга асос қилиб олинган. Муаллиф ҳар бир кишининг ўз келажаги учун, ўз мамлакати истиқболи учун масъулиятли эканлигини таъкидлаб, воқеликни фалсафий жиҳатдан англаш даражасига кўтарилади. Фронтчи адиб романига унинг олдинги китобларида бўлгани сингари ўз ҳаёт йўлини танлайдиган қаҳрамонларининг инсоний ва гражданлик виждони шаклланадиган давр сифатида уруш мавзуси узвий киритилган.

И. Стаднюкнинг «Уруш» романида мамлакат тақдири учун ғоят юксак масъулият зиммасига тушган кишилар образлари китобхонлар кўз ўнгида гавдаланади. Авторнинг фронт биографияси унга урушнинг дастлабки кунлари ва ҳафталаридаги драматик воқеаларни ва шу воқеалар қатнашчиларининг характерларини ғоят ҳаққоний акс эттиришга, энг муҳими — келгусидаги ғалабанинг асосий бўлган совет халқи руҳининг қудратини кўрсата билишга кўмаклашди.

«Ғалаба» сиёсий романининг автори — ёзувчи А. Чаковский ҳам бу йилги лауреат бўлди. Унинг китоби давримиз ҳаётига бевосита кириб бориб, Коммунистик партия ва Совет давлатининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати юксак инсонпарварлик принципларини ишонарли тарзда кўрсатиб беради.

И. Драчнинг «Кўк дарвоза» шеърлар китобида даврнинг ўткир туйғулари, ҳозирги замон ҳаётининг маромини акс эттира олиш, воқеликнинг мураккаб проблемаларини ҳал этишга интилиш ўз ифодасини топди. Инсон турмушининг қийин масалаларини англашга интилаётган унинг шеърияти ғоят туйғуларга бой бўлиб, унда лирик ва гражданлик оҳанглари баббаравар куч билан янграйди.

Ижодига етуклик ва маҳорат хос бўлган В. Соколовнинг «Сюжет» тўпламида рус лирикасининг классик анъаналарига содиқлик сезилиб туради. Муаллиф китобнинг номини белгилаган шеърлар ва поэмасида санъаткорнинг санъатга ва ҳаётга муносабатининг муҳим проблемаларини ўртага қўяди.

Мукофот билан тақдирланган А. Преловскийнинг поэмалари ватанимиз табиий бойликларини ўзлаштириш учун кураш умумхалқ ҳаракати қаҳрамонлигини, БАМ қурувчиларининг меҳнат ғайрати ва мардлигини тараннум этувчи ўзига хос бадиий йилномадир.

Адабиёт назарияси ва тарихи соҳасидаги мукофот филология фанлари доктори Г. Фриндлендерга «Достоевский ва жаҳон адабиёти» китоби учун берилди. Бу — улуғ адиб ижодини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик илмий асардир.

Саҳна ва экран усталарининг асарларида Ленин мавзусини бадиий ўзлаштиришда янги босқичга эришилди. Москва Бадиий академик театрининг бош режиссёри О. Ефремов М. Шатровнинг пьесаси асосида саҳнага қўйган «Шундай ғалаба қиламиз!» спектаклида В. И. Ленин образи асар марказидан жой олган. Актёр А. Калягин Ленин фикри туғилиши жараёнининг ўзини ишонарли кўрсатиб беришга муваффақ бўлган. Сиёсий кўтаринкилик руҳи билан суғорилган спектакль ижодкорларининг хизматлари муносиб тарзда мукофот билан тақдирланди.

Лауреатлар орасида таниқли совет кинематографиячилари режиссёр С. Юткевич, драматург Е. Габриловч, актёр Ю. Каюров бор. Улар Ленин мавзусини экранда мужассамлаштириш соҳасида кўп йилдан бери муваффақиятли ишламоқдалар. «Ленин Парижда» фильмида санъат томонидан кам тадқиқ этилган тарихий материални бадиий жиҳатдан ўзлаштириш новаторлик формасидан фойдаланиш билан узвий боғланган.

«Хусусий ҳаёт» фильми санъатнинг воқеликка актив кириб бориши билан ажралиб туради. Кекса совет режиссёри Ю. Райзман ва актёр М. Ульяновлар фильмнинг бошқа ижодкорлари билан биргаликда жиддий ижтимоий аҳамиятга молик проблема тўғрисида шунчаки гина эмас, балки ҳар томонлама чуқур ҳикоя қилишга муваффақ бўлганлар. «Дюнадаги узоқ йўл» телевизион фильми (режиссёр А. Бренч, сценарий авторлари О. Руднев ва Д. Василиу) қаҳрамонларининг тақдири мураккаб, суронли воқеаларга бой. Латиш кинематографиячиларининг бу асари тарихий ҳақиқат, психологик ишончлиги, юксак профессионал маҳорат билан ажралиб туради. Болаларга аталган санъат асарлари учун мукофотга сазовор бўлган «Биз таслим бўлмаймиз, биз бораямиз...» ҳужжатли картина (режиссёр М. Литвяков, сценарий автори Н. Шишлин) ва В. Шукшиннинг ҳикоялари асосида яратилган «Болалик байрамлари» бадиий лентаси (сценарий авторлари ва режиссёрлар Р. ва Ю. Григорьевлар) ёш томошабинлар билан мароқли суҳбат олиб борадилар. Бу фильмлар ёш авлодни ўз диёрини, халқини, Ватанини севишга, пролетар интернационализмига содиқ бўлишга ўргатади.

Тасвирий санъат соҳасида рассом Е. Моисеенко лауреатлик унвонига сазовор бўлди. У чуқур социал ва ижтимоий мазмунни акс эттирган асарлар ижодкори, кенг кўламдаги тафаккур, давр, воқеалар ва авлодларнинг фалсафий алоқасини англай билиш ва акс эттиришдан иборат ноёб истеъдод эгаси бўлган ёрқин ва ўзига хос санъаткордир. Г. Кандарелининг «Менинг ватаним» туркумидаги гобеленлари грузин манзарали — амалий санъатининг қизиқарли саҳифасини акс эттиради. Рассомнинг асарларида бунёдкорлик меҳнатининг қувончи тараннум этилади, уларда жаҳон тақдири ҳақида қайғураётган кучли, яхши ва гўзал инсонлар тасвирланган.

1983 йилги лауреатлардан дирижёр Е. Светлановнинг санъати ижрочилик диапазонининг кенглиги, юксак гражданлик руҳи билан ажралиб туради. Мамлакатимиз музика маданиятидаги барча яхши жиҳатларнинг ташвиқотчиси бўлган Е. Светланов рус ва совет авторлари кўпгина асарларининг дастлабки кашфиётчиси ҳамдир. Овозининг кучи ва жарангдорлиги ижрочилик маҳорати билан узвий боғланган эстониялик қўшиқчи М. Пальм мукофот билан тақдирланди. Ю. Чичковнинг қўшиқлари зўр тарбиявий аҳамиятга эга. Уларда ёрқин музикавий ифода юксак ғояларни тараннум этган.

Днепропетровскдаги индустриал метод асосида ансамбль тарзда комплекс қуриш намунаси бўлган «Победа» уй-жой массивининг бунёдкорлари архитектура соҳасидаги мукофотга сазовор бўлдилар. Литва ССР Давлат академик драма театри биносининг авторлари ҳам шу мукофот билан тақдирландилар. Улар архитектуранинг мураккаб проблемаларидан бири — янги монументал иншоотни шаҳарнинг тарихий ансамблига киритишдан иборат меъморчиликнинг мураккаб проблемаларидан бирини муваффақиятли ҳал этганлар.

Энди ликда ижоди шундай юксак баҳоланган совет маданияти усталари коммунистик идеалларга садоқатни, бадиий фикрлашдаги юксак даражани намойиш қилдилар. Биз уларни юксак мукофот билан сидқидилдан табриклар эканмиз, улар китобхонлар ва томошабинларни янги-янги ижодий ютуқлар билан қувонтирадилар, деб ишонамиз.

(ТАСС).

## ХРОНИКА, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

### ● УЛАН-БАТОР

Баян-Хонгор аймоғида ташкил қилинган ўсимликшунослик янги илмий-ишлаб чиқариш станцияси халқ Монголиясининг Гоби зонасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек ўсимликларнинг янги турларини кўпайтириш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Бу ерда Гобида ўсадиган доривор ўтлар ва нодир ўсимликларнинг 50 га яқин тури кўпайтирилмоқда. Булар орасида монгол пиёзи, астрагал, тамариск, саксовул ҳамда ўтўлан ва буталарнинг бошқа турлари бор. Бу эса монгол ботаникларига ўсимликларнинг нодир турларини сақлаб қолиш ва кўпайтириш имконини яратади, шунингдек фармацевтика саноати учун қимматли хом ашё беради.

### ● АНҚАРА

Кейинги олтмиш йил мобайнида Туркия аҳолиси 3,5 баравардан зиёд кўпайди. Мамлакат давлат статистика институтининг докладида хабар қилинганидек, 1927 йилда Туркия Республикасида 13,5 миллиондан кўпроқ киши рўйхатга олинган эди. Ҳозирги вақтда Туркия аҳолиси 47 миллион кишидан ошади.

### ● БОГОТА

Колумбиянинг Сесар департаментида жала ёғиб, Аригуанисито дарёси тошган. Сув тошқини натижасида 10 киши ҳалок бўлган ва 30 дан кўпроқ киши бедарак йўқолган. Сув оқими қишлоқ хўжалик экинларини ювиб кетган. Яқин атрофдаги аҳоли пунктларида яшовчи оилалар кўчиб кетишга мажбур бўлган. Маъмурлар табиий офатдан зарар кўрган кишиларга ёрдам бериш чораларини кўрмоқдалар.

### ● ХАРАРЕ

Ёш республика мустақиллигининг уч йили мобайнида Зимбабве мактабларида ўқувчилар сони 1,5 миллион кишига кўпайди. Мамлакат бош министрининг ўринбосари С. Мзенда бу ерда ана шуни хабар қилди.

У пойтахтдаги мактаблардан бирида нутқ сўзлаб, Зимбабве ҳукумати халқ маорифига миллий тараққиётнинг энг муҳим соҳаларидан бири деб қараётганлигини таъкидлади. Кейинги уч йил ичида маориф эҳтиёжлари учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар 300 миллион доллар кўпайди, деди С. Мзенда.

### ● АДДИС-АБЕБА

Гондэр ва Волло вилоятларида узунлиги салкам 300 километр келадиган Воретa-Вольдиа трассаси фойдаланиш учун топширилди. Бу йўл шу вилоятлардаги икки магистрални бир-бири билан боғлади. Эндиликда Асэб портидан мамлакатнинг шимоли-ғарбий районларига юк ташиш анча қисқаради.

(ТАСС).

# СИФАТ, СУРЪАТ, БАРАКА

## ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ҲАМ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРИШ УЧУН ЙИҒИМ-ТЕРИМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРМОҚДАЛАР

## КУЧЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ

З. МАҲСУМОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари

Меҳнатга онгли муносабат, уюшқоқлик, мустаҳкам интизом ютуқларимизнинг гарови бўлди. Асосий майдонларда чигитни текис ундириб олиб, ғўза парваришини илғор фан ютуқлари асосида ташкил этган пахтакорларимиз мўл ҳосил етиштирдилар. Терим даврида кучғайратимизни бирлаштириб, ҳар бир қулай келган кундан, соатлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилдик. Натижа қувончли бўлди. Маррага анча барвақт етиб келдик.

Тўғрисини айтиш керак, бу йил деҳқонларимиз учун анча қийин бўлди. Баҳор қурғоқ келди, сув етишмади. Каттакатта майдонларга чигит суви беришга тўғри келди. Ғўза бироз кечки бўлиб ўсди. Бунинг устига июнь ойида ҳарорат нормадан ортиқ бўлди. Бу ҳам ғўзаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

Лекин пахтакорларимиз бу қийинчиликларни енгиш учун астойдил кураш олиб бордилар. Маҳоратларини, тажрибаларини ишга солдилар. Район партия комитети бюро йиғилишларидан бири «Оққўрғон» совхозида ўтказилди. Бу йиғилишда «Ленинизм» колхозининг илғор ва тажрибали пахтакори Т. Яхшибоевнинг иш тажрибаси атрофлича таҳлил этилди. Унинг илғор усулини барча бригадаларда қўллаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди. 3—4 кун ўтгач унинг даласида амалий семинар ҳам ўтказилди. Бу семинарга хўжалик раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари секретарлари ҳам таклиф этилган эди.

Бригадирлар — ишлаб чиқаришнинг командири. Коллективда меҳнатнинг тўғри ташкил этилиши, резервлардан, имкониятлардан оқилона фойдалана билиш кўп жиҳатдан бригадирнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам биз колхоз ва совхозларни малакали бригада бошлиқлари билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бердик. Улар ишончни оқламоқдалар. С. Сегизбоев номли совхознинг 6-бўлимидан А. Бўриев ва А. Усмонов, «Оққўрғон» совхозидан Р. Соипова, Навоий номли колхозидан А. Ўтаев, «Ленинизм» колхозидан Г. Тулепбекова, Болтабек Ўтаев ва бошқа ўртоқлар шулар жумласидандир. Ана шу сингари ёш, ғайратли пахтакорлар бошлиқ бўлган коллективларда қийинчиликлар мардона енгилди. Мўл ҳосил етиштирилди. Дала ишлари намунали ташкил этилди. Уларнинг издошлари кўпайиб бормоқда.

Тошкент технологиясини такомиллаштириш юзасидан ҳам катта ишлар олиб борилди. Ҳар бир колхоз ва совхозда терим-транспорт отрядлари иши қатъий график асосида ташкил этилди. Механизаторлар, кўпмингкилограммчи теримчилар, ҳашарчилар ўртасида социалистик мусобақа авж олдирилди. Терим даврида ҳар бир хўжалик, ҳар бир бригада, бўлим, звенода ишларнинг қандай ташкил этилаётганлигини мунтазам таҳлил этиб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Район партия комитети ҳузурида ташкил этилган пахта штаби бу соҳада катта иш олиб борди. Штаб кечаси-ю-кундузи ишлаб турди. Штаб аъзолари ўз фаолиятларида техникадан самарадорлик билан фойдаланишни таъминлашга айниқса катта эътибор бердилар. Шу туфайли ҳам агрегатларнинг унумдорлиги анча юқори бўлди.

Социалистик мусобақага ҳар беш кунда якун чиқариб турилди. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш тантанали равишда амалга оширилди. Уларнинг шарафига шон-шуҳрат байроқлари кўтарилди. Тажрибаларни намуна қилиб кўрсатилди. Район матбуот маркази кўрсаткич тахтаси орқали илғорлар, уларнинг иш тажрибаларини ҳаммага маълум қилиб турилди. Дала шийпонларидаги оммавий, сиёсий, ташкилотчилик ишларининг асосий моҳияти ҳам ҳар бир хўжаликда йиғим-теримни пухта ташкил этиш, вақтдан, техникадан, ишчи кучларидан унумдорлик билан фойдаланишга қаратилди. Биргина районимиз корхона ва муассасаларидан 2 мингдан ортиқ ишчи-хизматчи, 5 мингга яқин ўқувчи ва ўқувчилар йиғим-теримда қатнашдилар. Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати ҳаммамизни жасоратга чорлади. Мурожаатда ҳар бир соат, ҳар бир кунининг қадрига етиб, кучларни бирлаштириш ва шу асосда терим суръатини ошириш тўғрисидаги даъваткор сўзлар ҳар бир меҳнаткашнинг қалбига жо бўлиб кетди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг «Битовик-83», район ҳалқ маорифининг «Педагог-83», комсомол-ёшлардан тузилган «Зарбдор-83» отрядлари теримда айниқса яхши натижаларга эришдилар. Колхоз ва совхозларимиз асосан давлатга биринчи ва иккинчи сорт пахта топширишга муваффақ бўлдилар.

Ҳирмонимиз кун сайин юксалиб борди. Бугунга келиб унинг салмоғи 61422 тоннадан ошиб кетди. Бу ҳосилнинг 80 проценти «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. Жуда кўп механик-ҳайдовчиларимиз техникадан фойдаланишда ажойиб маҳорат кўрсатдилар. «Оққўрғон» совхозидан Михаил Ковешников, С. Сегизбоев номли совхозидан Илаш Қурбонов, «Ленинизм» колхозидан Раҳмат Хожимуродов, «Коммунизм» колхозидан Саидаҳмад Назаров, Навоий номли колхозидан Болтабек Жонгабоевлар айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Улар ўзларига биркитилган машиналар ёрдамида 180—220 тоннадан «оқ олтин» териб бердилар.

Умумий хирмонимизга ҳамма хўжаликлар ҳам баракали ҳисса қўшдилар. Бу ўринда айниқса «Оққўрғон», С. Сегизбоев номли совхозлар, «Ленинизм», Навоий номли, «Коммунизм», Вотинцев номли, «Озод» колхозлари пахтакорларининг ишлари юксак таҳсинга сазовордир. «Ленинизм» колхозида бу йил мўл ва сифатли ҳосил етиштирилди. Терим ишлари ҳар жиҳатдан намунали ташкил этилди. Натижада бу хўжалик районда биринчи бўлиб маррага етиб келди. Хозирги кунда улар ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Қишлоқда коллектив пудрат кенг жорий этилмоқда. Бу усул кўпгина муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, қийинчиликларни енгиш имкониятини берди. Буни илғор бригадалар мисолида яққол кўриш мумкин. «Коммунизм» колхозидан Хабил Тўрахўжаев, «Озод» колхозидан Роҳила Турсунқулова сингари ўртоқлар бошлиқ бригадалар гектаридан 40 центнердан ошириб пахта йиғиб олдилар. Бу янги усулнинг шарофатидир. Бу ердан, техникадан моҳирлик билан фойдаланиш оқибатидир. Ҳозирги кунда ҳам ана шу сингари уста пахтакорлар бошлиқ бригадаларнинг далаларида иш қизғин бормоқда. Улар сўнгги килограммларни йиғиб-териб олиш билан бирга келгуси йил ҳосилига ҳам пухта замин яратмоқдалар.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда бизга Тошкент шаҳрининг Фрунзе, Акмал Икромов, Чилонзор ва Тошкент областининг Бўстонлиқ, Тошкент районларидан келган ҳашарчилар катта мадад берганликларини ғоят миннатдорлик билан айтиб ўтмоқчимиз. Улар шу кунларда ҳам деҳқонларимиз билан ёнмаён туриб далаларда мардлик ва жасорат кўрсатиб ишламоқдалар.

Биз далаларимизда қолган ҳосил чўғини ҳисобга олиб қўшимча мажбурият олиб, бу мажбуриятимизни шараф билан бажариш учун астойдил курашамиз. Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССРнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз.



● Куйбишев номли колхоз далаларида пахтакорларга баракали ёрдам бераётган Тошкент ўқув ишлаб чиқариш комбинатидан келган ҳашарчилар ҳозиргача уч маротаба колхоз кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Суратда: комбинатнинг илғор теримчилари (чапда) ҳашарчилар бригада бошлиғи С. Ғуломжонов.

## АСОСАН МАШИНАЛАРДА

Мен ўн йилдан бери хўжалигимизнинг Абдувоид Жуманов етакчилик қилаётган бригадасида звено бошлиғи бўлиб ишлайман. Дала ишларини ташкил этишда техника асосий таянчимиздир. Техникадан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаётганлигим туфайли пахта етиштириш кўпайиб, унинг таннархи арзонлашмоқда. Масалан, кейинги ўн йил ичида бир центнер пахтанинг таннархи 50 сўмдан 32 сўмга тушди. Бу йил янада арзонлашиши кўзда тутилмоқда.

Ҳаммага аён. Бу йил обҳаво пахтачилик учун анча оғир келди.

Дефолиацияни табақалаштирилган ҳолда ўтказдик. Бу иш асосан трактор аппаратлари ёрдамида амалга оширилди. Теримни ипатовочистительлар усулида ташкил этдик. Айрим кунлари йиллик планнинг 7 процентидан ошириб пахта тайёрлашга муваффақ бўлдик. Колхозда биринчилардан бўлиб, планни бажардик. Менинг ўзим шу кунгача терган «оқ олтин»им 150 тоннадан ортиб кетди.

Касбдошларим Абдулла Эргашев, Ҳолбой Субонов, Амир Жўраев, Вакил Абдураҳмоновлар ҳам баракали меҳнат қилдилар. Ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, меҳнат қилганлигимиз туфайли хўжалик бўйича ялпи ҳосилнинг 80 процентдан ортиғи машиналарда терилди.

Шу кунларда биз механизаторлар кўсак терадиган, кўсак чувийдиган агрегатларнинг бир меъёрда ишлатилишини таъминлаш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Далаларимиздаги ҳосилнинг сўнгги килограммларигача териб олинмагунча кўнглимиз ўрнига тушмайди.

С. НАЗАРОВ.
«Коммунизм» колхози механизатори.

## ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ОРТДА ҚОЛДИ

Биз районда иккинчи бўлиб ғалаба рапортига имзо чекдик. Ҳозирга қадар она-Ватанга планга қўшимча равишда 300 тоннага яқин «оқ олтин» етказиб бердик. Кўпгина бригадаларимиз гектаридан 38—40 центнерга етказиб ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Машина терими планини ҳам ошириб ado этдик. Ялпи ҳосилнинг 3 минг тоннага яқини «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди. 2700 тонна пахта биринчи сортларга топширилди. Хўжалигимиз уруғлик пахта етиштиришга ихтисослаштирилган. Бу ҳам бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Чунки, уруғлик пахтани сифатли бўлиши учун ғўза туплари соғлом ўсиши, кўсаклар бўлиқ ва барвақт етилиши керак. Ана шунда чигит тўк бўлади.

Шунинг учун ҳам биз ғўза парвариши даврида агротехника тадбирларини ғоятда сифатли амалга ошириш учун курашдик. Натижа ёмон бўлмади. Давлатга 1620 тонна уруғлик пахта сотилди. План 101 процентдан ошириб бажарилди.

Дала ишларини ташкил этишда коммунистлар авангардлик намуналарини кўрсатдилар. Сафар Икромов, Бегали Жўшқинов, Абдулатиф Ўташев, Санобар Қурбонова ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг меҳнатни ташкил этиш соҳасидаги иш тажрибалари мавсум давомида оммалаштириб борилди. Коллектив пудратини жорий қилиш самарали натижалар берди.

Терим айни қизғин паллага кирган даврда республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати эълон қилинди. Мурожаатни ҳар бир бригадада, звенода ишлаб чиқдик. Теримни пишиқ-пухта ташкил этиш, социалистик мусобақани намунали йўлга қўйиш, ғолиблар меҳнатига холис баҳо бериш бўйича конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларнинг жорий қилиниши терим суръатининг кучайишига, мусобақанинг авж олишига катта ёрдам берди. С. Икромов, А. Ўташев ўртоқлар бошлиқ бригадалар мавсум давомида бир неча бор хўжалик кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди.


Биз бугун Наврўз Салимов, Болтабой Жангабоев, Шокир Исомов, Турсунбек Дўканов сингари механизаторларимиз меҳнатини ғоят миннатдорчилик билан тилга оламиз. Улар ўзларига биркитилган техниканинг сайқали ишлашини таъминладилар. Машиналар ёрдамида 110—120 тоннадан пахта териб бердилар. Қувончлиси шундаки, улар топширган пахтанинг ҳаммаси биринчи сортларга қабул қилинди.

Чевар теримчиларимиз сафи кенгайди. Хуриноз ва Фариноз Исмоилова, Ҳикматой Алиева, Ҳадича Алиевадарнинг номлари бутун қишлоққа, қолаверса районга машҳур бўлди. Улар шу кунгача ҳирмонга 7—8 тоннадан ошириб пахта топширдилар.

Ҳосил учун кураш давом этяпти. Ялпи ҳирмонимиз салмоғини янада кўпайтириб, ҳосилдорликни 40 центнерга етказиш ниятимиз бор. Бу мақсадга албатта эришмоқ учун ҳамма имкониятларни ишга соламиз.

У. ИСРОИЛОВ,
Навоий номли колхоз раиси.

## ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН



● Козим УМЕРОВ бошлиқ звено аъзолари ҳозиргача ҳар гектаридан салкам 40 центнердан ҳосил йиғиб олиб совхоз хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.



● ҚАҲРАМОН она Каромат Ҳазратқулова «Оққўрғон» совхозининг 6-бўлими 3-бригадасида меҳнат қилади. У кўпмингкилограммчи теримчилар мусобақасида пешқадамлик қилаётир.



● РАЙОН маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ходими Раимжон Чолдиboев терган пахта ҳозиргача 4 тоннадан ошиб кетди.

П. Эргашев фотолари

## БИРИНЧИ СОРТЛАРГА СОТДИК

БУ ЙИЛ 100 гектар ерда пахта етиштирдик. Ҳозиргача пландаги 30 центнер ўрнига 35 центнердан ортиқ «оқ олтин» топширдик. Давлатга етказиб берилган 350 тонна пахтанинг 200 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Ялпи ҳосилнинг 85 процентини биринчи сортларга сотдик. Бунда механизаторларимиздан Қўшбой Тўрабеков ва Турсун Жиянов ўртоқларнинг хизмати каттадир.

Кўпмингкилограммчи теримчилар мусобақаси бутун мавсум давомида авж олдирилди. Ортиғой Шербўтаева, Сайёра Маҳкамбоева, Маҳбуба Исроилова ва Гулчеҳра Раимқуловалар ҳозиргача 5 тоннадан «оқ олтин» териб топширдилар. Хўжалигимиз территориясида жойлашган ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам теримда ота-оналарига астойдил кўмаклашдилар.

Марра эгалланди. Лекин биз асло хотиржамликка берилганимиз йўқ. Бор ҳосилни сўнгги килограммларигача териб олишга ва давлатга яна 100 тонна «оқ олтин» топширишга аҳд қилганмиз. Ана шунда ҳосилдорлик 45 центнерга етади. Уч йил давомида давлатга 1226 тонна пахта етказиб берган бўламиз. Бу мўлжалдагидан 326 тонна кўпдир.

Биз бир неча йилдан буён қўшни Ж. Охунов бошлиқ бригада деҳқонлари билан мусобақалашиб ишлаймиз. Бу бригадада ҳам ҳозиргача гектаридан 35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Яқинда мусобақадошимиз даласида бўлдик.

— Биз ҳам сизлардан қолишмасликка ҳаракат қиламиз, ҳосилдорликни 45 центнерга етказамиз, деб сўз беришди улар.

А. УМУРЗОҚОВ,
Куйбишев номли колхозининг 6-бригадаси бошлиғи.

## БРИГАДИР ЛАВҲА

БЎЛИМ бошлиғи Ўлмас отанинг айни дилидаги гапни айтди. Бригадир бу ҳақда бир неча бор сўз очмоқчи бўлди-ю, лекин журъат қилолмади, истихолага борди. Қандай бўларкин, одамлар гап-сўз қилмасмикан? Ҳар ҳолда бу гап мендан чиқмагани маъқул. Кейинчалик ўзини кўрсатса, астойдил тер тўкса, бригадирлик қочиб кетмас:

Бугун эса Саттор ака ота билан узоқ суҳбатлашгач охирида ўзи таклиф қилиб қолди.

— Ўрнингизга ўғлингиз Аскарни бригадир қилиб кўтарсак?!

Бу отанинг дилидаги гап эди. Лекин у сир бой бермади.

— Агар кўпчилик шуни лозим кўрса, мен қарши эмасман.

— Лекин сиз фахрий бригадир бўлиб қолаверасиз, — деди бўлим бошлиғи. — Лозим бўлганда ёрдамингизни аямайсиз-да.

— Жоним билан, — деди Ўлмас ота, — ахир ўзингиз яхши биласиз суягим пахтачиликда қотган. Ҳамма далада ишласа-ю, мен тек туролмасам керак.

Аскар Бўриев ҳақиқатан ҳам бу ишончга лойиқ эди. У ёшликдан отаси ёнида бўлди. Ўқишдан келгач бўш бўлди дегунча далага чиқарди. Пахтакорларга кўмаклашарди.

— Агар сен ҳақиқий пахтакор бўлмоқчи экансан,— деб уқтирарди отаси унга, — ғўза билан тиллашгин. Ана шунда кўзлаган ҳосилингни оласан. Ғўза ҳам бамисоли деҳқонга фарзанд. Уни асло ўтга, ҳашаротга олдирма, эркалатиб ғовлатма. Доим назоратингда бўлсин.

Аскар аввалига бригадада бир неча йил кузатувчи-назоратчи бўлиб ишлаган эди. У эринмай дала айланарди. Ҳашорат тушган пайкалларни аниқлашга жуда моҳир эди. Шунинг учун ҳам бригадада ҳосилдорлик кўнгилдагидек бўлар эди. У ҳамиша кекса, тажрибакор пахтакорлар билан маслаҳатлашар, улардан йўл-йўриқлар оларди. Эрталаб чой ичишда ҳам, кечқурун овқат пайтида ҳам саволга тутар, билмаганларини сўраб ўрганишдан эринмасди. Шунинг учун ҳам отасининг кўнгли тўқ эди. Ўғлининг ёш бўлишига қарамай бригадирликни эплаб кетишига ишонарди.

Аскар бригадир қилиб тайинлангач, отасининг насиҳатларини ўйларди. Лекин уни бошқа бир нарса ҳижолатга соларди. Бригада аъзолари кўпчилигининг ёши ундан катта, бирлари ака бўлса, бирлари ота, учинчиси она. Қандай қилиб уларга иш буюраман, уни қилинг, буни қилинг дейман.

Бу ҳақда отасига ёрилган эди шундай жавобни олди:

— Мулоҳазанг ўринли ўғлим, лекин бирон кишига иш буюриш ёки камчилигини айтишдан олдин, обдон ўйлаб кўр. Ўзинг ишни кузат, сўнг ётғинг билан гапир, тушунтир. Аскар отасининг айтганларини зиёдаси билан амалга ошира бошлади.

...Июнь ойлари эди ўшанда. У эрталаб этак томондаги ерларни айланиб қайтди. Кеча худди мана шу далаларни культивация қилиш ҳақида звено бошлиғи Турғунбой билан келишилган эди. Лекин қани у, нега кўринмайди. Нариги картага ўтди. У шийпон рўпарасидаги текис ерни культивация қилаётган эди.

— Бу қанақаси бўлди, — деди у ўзини босиб,— ахир сиз билан келишган эдик-ку.

— Бу ерни бўлиб, сўнг ўтмоқчи эдим, барибир эмасми? Бу ерни ҳам культивация қилиш керакда.

— Йўқ, барибир эмас, — тушунтирди бригадир. — У ер қир зона. Бугун-эрта культивация қилинмаса, намликни йўқотади. Кейин иш қийинлашади. Культивация вақтида кесаклар кўчиб кетади. Ғўза илдизига шикаст етади. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку.

Турғунбой уялиб ерга қаради. У хатосини тушунган эди.

Айб менда ука,— деди у. — Ҳозир ўша томонга ўтамиз.

Шу пайт узоқдан кимдир қўлини соябон қилиб чақирди.

— Сизни райком секретари йўқлаяпти.

Аскарнинг юраги бир хаприқди, нима гап экан? Шошилганча шийпон томонга борди. Пайкал оралаб райком секретари З. Маҳсумов чиқиб келарди.

У қўшни хўжаликларда ҳам бўлган эди. Кўпгина пайкалларга ҳашарот ўралашиб қолганлигидан ранжиб қайтаётган эди. Аскарнинг даласи эса тоза, ғўзаларининг ривожи яхши. Буни кўриб у хурсанд бўлганди.

— Раҳмат, ука, — деди райком секретари, — бундан буён ҳам ишни шу даражада давом эттирсангиз, албатта юқори ҳосил оласизлар.

Эртаси куни қўшни хўжаликлардан одамлар келиб Аскарнинг ишлари билан қизиқишди. Кўп ўтмай район газетасида у ҳақда катта мақола босилди.

Аскар эса бу мақтовлардан ўнғайсизланар эди.

— Ҳаммамиз биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат, ҳамкорликда меҳнат қиляпмиз, — деб жавоб берар эди бригадир тажрибаси билан қизиққанларга.

Шунда баъзан бўлим бошлиғи Саттор ака унинг ўрнига жавоб берарди.

— Аскаржон ҳақиқий деҳқон фарзанди, — дерди у.— Ҳашаротга қарши кураш қандай ташкил этилган деяпсизларми? Аскарнинг даласида ҳашарот йўқлигининг сабаби бор. У ҳашарот турларини жуда яхши билади. Ғўзага бир боқишдаёқ унинг рангига қараб қандай ҳашарот тушганлигини дарҳол тушуниб агроном энтомологни қидириб қолади. Керакли дори-дармонларни топтириб, септирмагунча кўнгли ўрнига тушмайди.

Синчковлик, астойдил жон куйдириш, керак бўлганида оромидан кечиш Аскар Бўриевга хос фазилатдир. Бригада аъзолари буни яхши билишади. Шунинг учун ҳам ҳар ким ўз ишини билиб қилишга ҳаракат қилади.

Айниқса бу йилги мавсум машаққатли бўлди. Аскар ва унинг бригадаси аъзолари бу қийинчиликларни ақл-идрок, тадбиркорлик билан енгдилар. Маҳоратлари, тажрибаларини ишга солдилар. Айниқса кекса пахтакорлар билан тез-тез учрашиб, улардан маслаҳатлар олиб туриш ишга катта фойда келтирди. Отаси ҳамиша ўғлига ҳамдард, мададкор, уни муаммоларни ҳал этиш учун жасорат кўрсатиб ишлашга руҳлантирди. Натижада барча майдонларда экиш вақтида ўтказилиб, чигит тўла-тўкис ундирилди. Ҳар гектарида ўртача 110 минг тўпдан кўчат сақлаб қолинди. Ғўзани озиқлантириш, культивация ишларида энг аввало сифатга эътибор берилди.

Натижада ҳосил мўл бўлди. Бригада аъзолари йиғим-терим даврида ҳам ҳамжиҳатлик кўрсатдилар. Қулай келган ҳар бир кундан самарали фойдаланилди. Машина-механизмлар тўла ишга туширилди. Ҳар гектардан 33 центнердан ҳосил олиниб, совхозда биринчилар қатори планни бажардилар.

Лекин бу марра эмас.

—Ҳосилдорликни 45 центнерга етказмоқчимиз,— дейди Аскар. — Ҳозиргача топширилган 340 тонна пахтанинг 290 тоннаси машиналарда терилди.

Сўнгги ҳужум, кураш давом этяпти. Юксак мажбурият сари дадил одимлар билан бораётган бригада аъзолари янги ҳосил тарадудини ҳам бошлаб юборишган. Дала ишлари конвейер усулда ташкил этилмоқда. Еш коммунист Аскар Бўриевнинг келгусидаги ютуқларини янада салмоқли бўлишига ишончимиз комил.

Н. РИХСИЕВ,
Ш. УМУРЗОҚОВ,
Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз.



● СУРАТДА: (чапдан) бригадир Аскар Бўриев отаси Ўлмас Бўриев билан маслаҳатлашмоқда.

## БИЗ ҲАМ БИР САФДАМИЗ

ШУ КУНЛАРДА далаларимизда теримнинг ҳал қилувчи босқичи давом этмоқда. Вақт ғанимат. Улкан хирмонни тезроқ бунёд этишимиз керак. Бу ишда ҳар биримиз актив қатнашмоғимиз лозим. Ҳозирги кунниng талаби ана шундай. Биз шаҳарликлар ҳам ўзимизни пахтакор ҳисоблаб, теримчилар сафига қўшилдик. Бир неча ўн кундирки, Оққўрғон районидаги далаларида тер тўкмоқдамиз. 900 нафардан ортиқ ҳашарчилар деҳқонлар билан ёнма-ён меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача районнинг улкан хирмонига 800 тонналик пахтамиз билан ҳисса қўшдик. Акмал Икромов районидан келган ҳашарчилар республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан далаларда жасорат кўрсатиб ишлашни давом эттирмоқдалар.

Бизнинг коллективимизда эса 74 нафар теримчи бор. «Ленинизм» колхози далаларида пахта тераяпмиз. Ҳар бир теримчи ўз зиммасига конкрет мажбурият олган. Иш қатъий график асосида ташкил этилган. Айни қизғин дамларда кунига ўртача 40—50 килограммдан пахта тердик. Шу кунгача колхоз хирмонига топширган дурдонамиз 70 тоннадан ошиб кетди.

Мавсум охирига қадар кам деганда яна 15—20 тонна пахта териб топширмоқчимиз.

А. МИРЗАЕВ,
Акмал Икромов райони соғлиқни сақлаш бўлими ходими.

*БУГУН—МИЛИЦИЯ ХОДИМЛАРИ КУНИ*

# ҲАМИША САДОҚАТ БИЛАН

СОВЕТ милициясини ҳақли равишда Октябрь тенгдоши деб аташади. Дарҳақиқат Владимир Ильич Ленининг ташаббуси билан ташкил топган халқ милицияси 66 йил давомида қаҳрамонона ва шонли йўлни босиб ўтди.

Гражданлар урушининг оловли йилларида совет милицияси эксплуататор синфларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Бироқ партия раҳбарлигида зиммасидаги вазифани муваффақиятли уддалаш билан бирга ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди, жамоат тартибини муҳофаза этишда катта тажриба тўпладн.

Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш учун курашнинг олдинги сафларида ҳам совет милиционерлари бордилар.

Тошкент область ижроия қомитети ички ишлар бошқармаси ҳузурида ташкил этилган милиция тарихи ва жанговар шуҳрати музейида ана шу оловли йиллар саҳифалари ўз ифодасини топган. Музей залларини айланар эканмиз, ўтган давр ичида ички ишлар органлари сафларининг беҳад мустаҳкамланиб, замонавий техника ва криминалистика воситалари билан пухта таъминлана борганлиги, юқори малакали ходимлар хизмат қилаётганлигининг яна бир карра гувоҳи бўламиз.

Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартиби муҳофазаси совет милициясининг биринчи куниданоқ бош вазифаси бўлиб қолди. Милициямиз ҳозирги авлоди вакиллари ҳам шу вазифага чуқур масъулият билан ёндошмоқдалар.

Ички ишлар органлари ходимлари социалистик қонунчилик тўғрисидаги ленинча таълимотни изчил амалга оширмоқдалар. Бу принципал йўл КПСС Марказий Комитетининг «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва қонунбузарликка қарши курашни кучайтириш юзасидан ишларни яхшилаш тўғрисида»ги қарорида, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982) ва июнь (1983) Пленуми қарорларида ўз аксини топган. Уларда партия ташкилотлари ва ҳуқуқ-тартибот органларининг қонунбузарликни таг-туги билан йўқотиш, бу мақсадларда ҳамма воситаларни тўла-тўкис сафарбар этиш юзасидан вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Партия ва ҳукуматимиз кўрсатмалари асосида областимизда ҳуқуқ-тартибот органларининг ишига ёрдам беришда партия, совет ва бошқа жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари, оила ва мактаблар фаол қатнашмоқдалар, жойларда бу борада комплекс тадбирлар плани ишлаб чиқилиб, уларни амалга ошириш ишлари давом этмоқда. Бутун куч-ғайратлар районлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида жамоат тартибини намунали муҳофаза этиш ҳамда ички ишбилармонларга, чайқовчилик, социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашни кучайтиришга қаратилган. Бу борада Чирчиқ, Ангрен, Тошкент, Коммунистик ва Оқ-қўрғон районлари партия ташкилотларининг ҳуқуқ органлари билан ҳамкорлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қонунбузарликнинг олдини олиш масаласини доимий равишда қараб чиқмоқдалар. Бу соҳага кўрсатилаётган ҳақиқий партиявий раҳбарлик амалий ишларда ўз ифодасини топаяпти.

Сўнгги йилларда милиция органлари фаолияти янада такомиллашди, унинг омма орасидаги обрў-эътибори ўсмоқда. Милиция органларининг фаолиятини кучайтиришнинг барча чоралари кўрилмоқда.

Энг асосий масалалардан бири бўлган — кадрларни тарбиялаш, танлаш ва жой-жойига қўйиш диққат-эътибордаги марказий масалага айланди. Қондага биноан милиция кадрларини танлашда партия ва совет органларининг, меҳнат коллективларининг йўлланмалари алоҳида инобатга олинади. Фақатгина ўтган йил давомида меҳнат коллективларининг йўлланмаси билан область ички ишлар органлари ва бўлинмаларига 100 нафар коммунист, 350 нафар комсомол аъзоси қабул қилинди.

Областимиз шаҳар ва район ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг ҳаммаси, тергов бўлим ва бўлинмалари, жиноят-қидирув ва бошқа тегишли хизмат бўлинмаларида банд бўлганларнинг ҳам асосий қисми олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлардир. Ходимларимизнинг кўпчилиги олий ўқув юртларида сиртдан таълим олишмоқда.

КПСС XXVI съезди томонидан олға сурилган халқ турмуш фаровонлиги ва ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини янада юксалтиришнинг кенг программаси ички ишлар органлари олдига ҳам катта вазифалар қўйди.

Бошқармамиз, шаҳар ва район бўлимлари ходимлари халқ мулкининг дахлсизлигини таъминлайдиган тадбирларни амалга оширмоқдалар. Социалистик мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларни билан чайқовчилик қилишга қарши курашни кучайтирилмоқда. Давлат автомобиль инспекцияси ходимларининг томонидан 2700 тонна полиз ва мева маҳсулотлари чайқов мақсадида область территориясидан олиб чиқиб кетилаётган пайтда сақлаб қолинди. Улар савдо тармоқлари орқали аҳолига соттирилди.

Патруль-пост хизмати тобора такомиллашиб бормоқда. Бунда айниқса кўнгилли халқ дружиналари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бераяпмиз. Ҳозир областда 300 минг нафардан зиёд кўнгилли дружиначи милиция ходимлари билан бирга жамоат тартибини сақлаш ва қонунбузарликнинг олдини олиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳар бир авария сўзсиз халқ хўжалигига етказилган зарардир. Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари автомобиль транспорти қатновини намунали йўлга қўйиш, халқ хўжалиги юкларини манзилларига тўла-тўкис етказиб беришни таъминлаш йўлида сергак турибдилар. Улар йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини хушёрлик билан назорат қилиб боришаяпти.

Зиммаларидаги масъулиятни сидқидилдан ҳис этган, эл-юрт осойишталигини сақлашга астойдил бел боғлаган илғор ходимларимизнинг номини байрам арафасида ҳурмат билан тилга олмоқчимиз. Жиноят-қидирув бўлими ходимлари, милиция катта лейтенанти У. Абдураҳмонов ва З. Минировлар шулар жумласидандир.

Область ички ишлар органлари ходимлари актив фаолиятлари билан ҳар бир жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципини амалга оширмоқдалар. Ўтган йиллар давомида деярли ҳамма хавфли жиноятлар фош этилди. Социалистик мулкка тажовуз қилган айрим юлғичлар қўлга олинди. Бироқ булар ҳали кифоя эмас. Кишилар қонунининг ҳар қандай бузилишларига қарши тегишли тадбирлар кўришини биз милиция органларидан ҳақли равишда талаб қилмоқдалар. Бу талаблар зиммамизга янги вазифалар юклайди, ишларимизни ҳар томонлама яхшилашни тақозо этади.

Совет милициясининг жанговар, шонли анъаналарига содиқ бўлган ички ишлар органлари ходимлари бу мураккаб ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун бундан буён ҳам куч-ғайратларини аямайдилар.

Ж. ЖАМОЛОВ,
Тошкент область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори.

## Серкуёш республикамизда

## ХУШХАБАРЛАР

● «БУХАРАИРСТРОЙ» трестига қарашли Вобкент механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи келгуси йил ҳисобига ишлай бошлади. Ирригаторлар қурилиш-монтаж ишларининг йиллиқ планини белгиланган муддатдан икки ярим ой барвақт бажардилар. Улар ўз меҳнат муваффақиятларини Улуғ Октябрь байрамига бағишладилар. Механизациялашган кўчма колонна коллективи йил охиригача уч ойлик топшириқни бажаришга қарор қилди.

● МАРҲАМАТ районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозида пахтакорлар кўчаси пайдо бўлди. «Андижаноблколхозстрой» трестига қарашли район колхозлараро механизациялашган кўчма колоннасининг коллективи бу ерда маиший қулайликлар комплекси бўлган 34 та уйжой қуриб берди. Бу уйлардан ҳар бирининг ёнида ёрдамчи хўжалик учун участка, уй фермаси учун хона ва ем-хашак сақлайдиган омбор бор.

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССРдаги «Победа» совхозида пархез гўшт етиштирадиган фабрика корпуслари қад кўтарди. Бу ерда йилига ўн икки мингта бройлер боқиш учун мўлжалланган типовой паррандахоналар қуриб битказилди. Ишлаб чиқариш майдонининг ҳар бир метридан самарали фойдаланиш учун кўп ярусли катаклар ўрнатилган. Паррандахоналар билан ёнма-ён донли экинлар етиштирадиган майдон бор.

● ТОШКЕНТ областидаги «Ғаллақудуқ» совхозида ихтисослашган чўчқачилик фермаси ишлай бошлади. Ферма ҳар йили область хўжаликларига беш юз бошдан кўпроқ зотли чўчқа етказиб бера олади. Бу ерда жониворларнинг ҳар бир ёш группаси учун махсус ускуналанган хоналар ажратилган. Енгил ёғги бостирмалар бор, озуқа цехи ишлаб турибди.

● БОЕВУТ районидаги «Боёвут» совхоз-техникумининг деҳқонлари одатдан ташқари теплицада лимоннинг дастлабки ҳосилини териб олдилар. Хушбўй мева плёнка билан ёпилган траншеяларда етиштирилди. Офтобнинг кўп бўлиши, унумдор тупроқ цитрус меваларнинг тез пишиб етилишига ёрдам берди. Бу лимонзордан истеъмолчиларга икки юз килограмм лимон жўнатилди.

(ЎзТАГ).

*

● Усмон АБДУЛЛАЕВ қарийб 42 йилдан буён Чилонзор районидаги 131-ўрта мактабда география фанидан дарс бериб келмоқда. Усмон аканинг беш қизи ота касбини эгаллаган.

СУРАТДА: Усмон Абдуллаев қизлари Маъмура ва Мунираллар билан ўқувчилар даврасида.

С. Баранников фотоси.

## СПОРТ

### ҒОЛИБЛАР САФИДА

**САМБО бўйича Ўзбекистон терма командаси Калининн шаҳрида ўтказилган СССР кубоги мусобақаларида муваффақиятли қатнашди. Биллур соврин учун стартга жами 17 команда чиқди. Ўзбекистон спортчилари РСФСР ва Москва командаларидан сўнг учинчи фахрли ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Терма командамиз сафида қатнашган самарқандлик Р. Ғуломов 100 килограммгача вазнлилар ўртасида биринчи ўринни олди. Тошкентлик С. Адигезалов (62 килограммгача), Олег Моторин (90 килограммгача) иккинчи мукофотли ўринни олишди.**

### КАМОНЧИЛАР БАХСИ

**ҚИЗЛАР ва ўсмирлар ўртасида камондан отиш мусобақаларида турли кўнгилли спорт жамиятларининг 60 га яқин вакили стартга чиқди. Қизлар ўртасида наманганлик Лариса Архипова, ўсмирлар ўртасида тошкентлик Роман Ким биринчи бўлдилар.**

**Роман Ким М-1 машқида 1166 очко тўплади ва СССР спорт мастери нормативини бажарди. Яна икки спортчи — тошкентлик, «Пахтакор» вакили Рубен Апаулов (1156 очко) ва самарқандлик динамочи Владимир Шинарев (1158 очко) спорт мастери талабини бажардилар.**

### БУТУНИТТИФОҚ ТУРНИРИ

**ТОШКЕНТДА ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Бутуниттифоқ турнири бўлиб ўтди. Бунда Москва, РСФСР, Қозоғистон, Озарбайжон ва Ўзбекистон командалари қатнашди. Ўсмирлар ўртасида республикамиз терма командаси биринчи, ёшлар ўртасида эса иккинчи ўринни олди. Турли масофаларга бўлган шахсий беллашувларда велоспортчиларимиздан Н. Халилов, О. Ширманов, В. Волушко, О. Запевалов, И. Шаровлар маррани биринчи бўлиб босиб ўтишди. Пойгада ҳаммаси бўлиб 56 та спортчи қатнашди.**

## ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

**«ТОШКЕНТ ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирларн университетига тингловчилар қабул қилинмоқда. Ўқиш икки йиллик, машғулотлар икки ҳафтада бир марта, жума кунлари кеч соат 18 да ўтказилади.**

**Университетга ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ва студентлар — газетага хат-хабар ёзишга иштиёқи бўлган барча касбдаги кишилар киришлари мумкин.**

**Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: иш ёки ўқиш жойидан характеристика-тавсияномa, таржимаи ҳол, 3х4 ҳажмида иккита фотосурат.**

**Ҳужжатлар редакция биносида (14-қават, 13-хона) қабул қилинади. Пропуск бюросидан 5354 номерли телефонга қўнғироқ қилинсин. Справка учун телефон: 325354.**

Редактор
Н. НАСИМОВ.


# Реклама ва эълонлар

## УЙДА ИККИНЧИ ТЕЛЕВИЗОР

**Кечқурунлари барча оила аъзоларингиз билан телевизор томоша қилаётганингизда кўпинча ўғлингиз ёки қизингиз ўртасида хоккей ёки бадиий фильм, концерт ёки ўқув программаси кўриш тўғрисида баҳслашиш бўлади.**

БАҲСНИ ИККИНЧИ ЖАЖЖИ ТЕЛЕВИЗОР ҲАЛ ҚИЛИБ БЕРАДИ

Истаган жойингизга қўйиш учун қулай бўлган, ихчам, оқ-қора тасвирли «ЭЛЕКТРОНИКА-407» ана шундай телевизордир. Экрани диагонал бўйича 16 сантиметр, 70 градусли нур оғиш бурчакли 16 ЛК 1Б кинескоп билан газъминланган бу телевизор (ўзгарувчан токда) 127—220 кучланишли ток билан, ёки (ўзгармас токда) 12 вольтда ишлайверади.


**Автоматик созлаш системаси мавжудлиги туфайли «ЭЛЕКТРОНИКА-407» аъло даражадаги тасвирни таъминлаб беради.**

АСОСИЙ ТЕХНИКА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Экран катталиги — 103х125 миллиметр.
Ташқи манбадан қувват олиши — 8 вт.
Тармоқдан қувват олиши — 18 вт.
Габаритлари — 180х165х215 миллиметр.
Оғирлиги — 3 килограмм атрофида.
Баҳоси — 166 сўм.

Кичик габаритли оқ-қора тасвирли «ЭЛЕКТРОНИКА-104» механизмларининг ўта сезгирлиги, овозни баландлатишда автоматик тўғрилаш системасининг бекаму-кўст ишлаши ретранслятор ёки телевизион марказнинг олислигидан қатъий назар тасвирнинг тиниқ бўлишини таъминлайверади.





Телевизор телепрограммаларни метрли диапазон тўлқинларида олиб боради, унинг яна бир тури — «ЭЛЕКТРОНИКА-404 Д» телевизори эса дециметрли диапазон тўлқинларида ишлашга мўлжалланган.

АСОСИЙ ТЕХНИКА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Экран катталиги — 140х185 миллиметр
ТОК ҚАБУЛ ҚИЛИШИ:
Ўзгарувчан ток тармоғидан — 127—220 в.
Аккумуляторлардан — 12 в.
ТОК ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚУВВАТИ:
Ўзгарувчан ток тармоғидан — 28 вт атрофида.
Аккумуляторлардан — 14 вт атрофида.
Габаритлари — 230х225х220 миллиметр.
Оғирлиги — 5,5 килограмм.
БАҲОСИ:

«ЭЛЕКТРОНИКА-404» — 200 сўм,
«ЭЛЕКТРОНИКА-404 Д» — 235 сўм.

**Рангли жажжи «ЭЛЕКТРОНИКА Ц-401» телевизори кичик хоналарга қўйиш учун мўлжалланган. У оз жойни эгаллашидан ташқари, чиройли ва замонавий безакка эга.**

Телевизор метрли диапазон тўлқинларида программаларни қабул қилади. Унинг конструкциясида дециметрли диапазон тўлқинлари блоки қурилмаси кўзда тутилган.

АСОСИЙ ТЕХНИКА ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Экран катталиги — 182х244 миллиметр.
Ток қабул қилиши — ўзгарувчан ток тармоғидан.
Ток қабул қилиш қуввати — 95 вт. атрофида.
Габаритлари — 385х360х364 миллиметр.
Оғирлиги —18 килограмм атрофида.
Баҳоси — 450 сўм.

ЦКРО «ЭЛЕКТРОНИКА»

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 42-95-91).


БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ҚОЛЛЕКТИВЛАРИДА

## «МЕЛОДИЯ» ДАЛАДА

«Мелодия» вокал-чолғу ансамбли санъаткорларини фақатгина Чирчиқ шаҳрида эмас, ўрта Чирчиқ районида ҳам яхши билишади. Чунки, шаҳар маданият уйининг бу ҳаваскорлик коллективини деярли ҳар куни ўрта Чирчиқ райони далаларида учратиш мумкин. Санъаткорлар пахтакорлар билан бирга бу ерда меҳнат қилаётган чирчиқлик ҳашарчиларга ҳам юксак савияда маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Кеча улар Акмал Икромов номли колхозга ёрдамга келган Чирчиқ медицина билим юрти талабалари ҳузурида бўлдилар.

Пахтазорларда меҳнат қилаётган чирчиқлик ҳашарчилар «Радуга» дискотекаси аъзоларидан ҳам мамнундирлар. Чирчиқ шаҳар маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари шу кунгача ўрта Чирчиқ райони хўжаликлари маданият уйлари ва дала шийпонларида турли мавзуларда 50 та лекция, 27 та тематик кеча, 70 та концерт ташкил этдилар, 57 та бадиий фильм намойиш қилинди.

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

## «АТИРГУЛ» КОНЦЕРТЛАРИ

Кекса ўқитувчи Соғинбой Жўраев санъат шайдоси. У соз чертади, қўшиқ айтади. Соғинбой аканинг ўғиллари Бексаид ва Нурсаидлар ҳам санъатга меҳр қўйиб ота изидан бормоқдалар. Қишлоқда бундай ихлосманд ёшлар кўп. С. Жўраев уларни жамлаб, бадиий ҳаваскорлик ансамбли ташкил этди. Унга «Атиргул» деб ном берилди.

Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда бу йил ташкил этилган ансамбль пахта йиғим-терими мавсумида ҳамқишлоқларига ўндан ортиқ концерт кўрсатди.

Р. АБДУҚАЮМОВА.



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

# САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон Касаба Союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консультация бюросининг аъзоси, юрист А. Ҳасанов жавоб беради.

**САВОЛ: 13 фарзандниинг онасиман. Кўп болали оналарга навбатдан ташқари машина беришади, деб эшитдим. Лекин бизга бундай имтиёз берилмади. Айтингчи, қаҳрамон она сифатида машина ёки моддий ёрдам олишим мумкинми?**

**Т. АШИРМЕТОВА,**
**Оҳангарон райони, Қорақалпоқ қишлоғи.**

**ЖАВОБ:** кейинги йилларда кўп болали оналар учун бир қатор қонунлар қабул қилинди. Жумладан, ҳар бир оила аъзосига тўғри келадиган даромад 50 сўмдан кам бўлган, 8 ёшгача болалари бўлган оилалар 12 сўмдан нафақа олиш имтиёзидан фойдаланишмоқда. 12 ёшгача икки ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган аёллар учун меҳнат отпускасига 3 кун қўшилиши жорий қилинди ва ҳоказо.

Бундай ёрдам олиш учун аёл ўзи ишлаётган корхона, муассасага мурожаат этиши керак. Амалдаги қоидага кўра халқ депутатлари район Совети ижроия комитети қарори билан қаҳрамон оналар учун енгил автомашина ҳам навбатдан ташқари сотилади.

**САВОЛ: мен 1970 йили Совет Армияси сафида хизмат қилиб соғлиғимни йўқотдим ва 3 йил пенсия олдим. Кейин эса ишга ярайсан, деб пенсия беришни тўхтатиб қўйишди. Ҳозир қоровул бўлиб ишлайман. Оғирроқ ишга эса ярамайман, чунки операция қилинганман. Менга қайта инвалидлик пенсияси тайинланиши мумкинми?**

**К. СИБАНОВ,**
**Ўрта Чирчиқ райони, Свердлов колхози.**

**ЖАВОБ:** сизни даволаётган участка врачи соғлиғингиз ҳақидаги тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, район врачлик техника экспертизасига юбориши керак. Агар район врачлик техника экспертизаси комиссияси ишга яроқли, деб топиб, сизнинг талабингизни қондирмаса, унда сиз белгиланган қоидага кўра ёзма равишда область врачлик техника комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.

**САВОЛ: мен қаҳрамон онаман. Болаларимнинг энг кичиги 6 ёшда. Ўзим 45 ёшдаман. 12 йил колхозда, 17 йил совхозда ишладим. Колхоз давридаги иш стажим меҳнат дафтарчамда кўрсатилмаган. Мен ҳозир қарилик пенсиясига чиқиш ҳуқуқига эгаманми?**

**Ғ. ЭРГАШЕВА,**
**Бўка район, «Бўка» совхози.**

**ЖАВОБ:** СССР Министрлар Совети томонидан 1956 йил 4 августда (1969 йил 9 апрелда қўшимча ва ўзгартишлар киритилган) тасдиқланган давлат пенсиясини тайинлаш тартиби ҳақидаги қонуннинг 17-бандига асосан беш ёки ундан ортиқ фарзанд кўрган ва уларни 8 ёшгача тарбиялаган, 15 йиллик меҳнат стажига эга бўлган аёллар 50 ёшдан бошлаб қарилик пенсиясига чиқишлари мумкин. Демак сиз бундай имтиёздан ёшингиз 50 га тўлганда фойдалана оласиз.

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

### БУГУН

**МТ I.** 9.00 — «Время». 9.40— Ҳужжатли фильм. 10.10 —«Моҳир қўллар». 10.40 — «Саёҳатчилар клуби». 11.40 — Фильм-концерт. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.00 — «Сенинг ленинча кутубхонанг». 16.30 — И. Брамс. 1-концерт. 17.25 — «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплекси га». 17.55 — «Ёшлар адреслари». 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — «Меҳнат —жамият—инсон». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.45 — «Бугун — Совет милицияси куни». 20.00 — П. И. Чайковский. 1-квартет. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Концерт. 23.00— «Дунё воқеалари».

**МТ II.** 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.45 — Табиатшунослик. 9.55 —Илмий-оммабоп фильм. 10.15 ва 13.30 — Испан тили. 11.05 — «Хушоҳанг овозлар». 11.35 ва 12.40 — Физика. 12.05—«Онамларнинг мактаби». 13.10 —Табиатшунослик. 14.00 — «Режиссёрлик санъати». 14.45 — «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Фестивалларда... Конкурслар... Концертлар...» 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламиз». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, қичкинтойлар». 22.50 — Фильм-концерт. 21.00 — «Эркин мавзуда ёзилган инша». 21.30 — «Время». 22.05 —«Ҳамтун, ҳам тонг эди». Бадиий фильм. 23.30 — Ҳужжатли фильм.

**УзТВ I.** 11.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 — «Китоб— бизнинг дўстимиз». 18.05 — Мультфильм. 18.15 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.00 — «Бугун — Совет милицияси куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телефильм. 19.55 — «У юракдан чизарди...» Надя Рушева чизган расмлар. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Хирмонингизга барака». 22.20 — Фильм-концерт. 23.15 — Янгиликлар.

**УзТВ II.** 9.00 — 16.25 — МТ II. 18.10 — «Болдино жозибаси». Пушкинга бағишланади. 18.50 — Врач маслаҳати. 19.05 — Реклама. 19.10 — «Китоб дўстлари». 19.40 —Янгиликлар. 20.00 — «Революция туфайли туғилган». Бадиий фильм 6-серия.

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XI да Кузнинг биринчи куни, 11/XI да **Юлдузли тунлар**, 12/XI да **Соқов рицарь**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/XI да **Тошкентнинг нозанин маликаси** (15.00), 11/XI да **Ишонмасанг ўланаи** (15.00), 12/XI да **Мангупик**.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02283. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1712.